



# УНИВЕРСИДАДА — ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС СПОРТ ОЛИМПИАДАСИ!

## Da'vat

Xalqimizning faxri bo'lgan Rostam Qosimjonov kabi yoshlarimiz bu avlodning qaldirg'ochlaridir va ularning safi tobora kengayib borishiga men qat'iy ishonaman.

Islom KARIMOV

Kuch — bilim va tafakkurda



# Ma'rifat

ENLIGHTENMENT

XALQ ZIYOLILARI GAZETASI

معرفت

1931-yildan chiqqan boshlagan

2004-yil 4-sentabr, shanba

№ 72 (7681)

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

**Афина шаҳрида бўлиб ўтган XXVIII ёзги Олимпиада ўйинларида юксак натижаларни қўлга киритган спортчиларимиздан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида**

Афинада бўлиб ўтган XXVIII ёзги Олимпиада ўйинларида эришган ютуқлари билан Ватанимизнинг халқаро миқёсдаги нуфузини оширишга қўшган катта ҳиссаси учун куйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

### «Ўзбекистон ифтихори»

Доктуришивили Александр — Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг юнон-рум кураши бўйича спортчи-йўриқчиси

Таймазов Артур Борисович — «Ди-

намо» кўнгилли спорт жамиятининг эркин кураш бўйича спортчи-йўриқчиси

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи»

Ибрагимов Магомед Абдулмўминвич — «Динамо» кўнгилли спорт жамиятининг эркин кураш бўйича спортчи-йўриқчиси

Султонов Баходиржон Марибжон ўғли — Андижон давлат университетининг талабаси

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри

2004 йил 2 сентябрь

Юртимизнинг спорт соҳасидаги шон-шуҳратини юксалтиришга қўшган муносиб ҳиссаси, Олимпиада ўйинларида юксак натижаларга эришгани учун мукофотлансин:

### «Фидокорона хизматлари учун» ордени билан

Ҳайдаров Ўткирбек Абдужалилович — Андижон шаҳар ички ишлар бошқармаси ходими

И.КАРИМОВ

## SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI


### YANGI TA'LIM MUASSASALARI

Nukus shahridagi 7-maktab o'quvchilari yangi o'quv yilini yangi binoda boshladi. 750 o'rinli bu ta'lim dargohida o'g'il-qizlarning ta'lim olishi uchun barcha sharoit muhayyo etilgan.

Gazli shahrida 750 o'rinli zamonaviy maktab foydalanishga topshirildi. Yangi bilim dargohida kompyuter sinflari, fan kabinetlari, keng va yorug' sport zali mavjud.

Qiziltepa tumanida 600 o'quvchiga mo'ljallangan Revatun iqtisodiyot kasb-hunar kolleji foydalanishga topshirildi. Kollejda yoshlar menejment, buxgalteriya-audit, moliya, kompyuter tarmoqlari va ofis jihozlarini ta'mirlash, tikuvchilik kabi yo'nalishlar bo'yicha saboq oladi.

# САМАРҚАНД КАТТА БАЙРАМ ОҒУШИДА



ГАЗЕТАНИ  
ВАРАҚЛАГАНДА:

МАНЗИЛ САРИ  
ОШИҚҚАН  
ПОЕЗД...

2-бет

ИЛК  
БЕЛЛАШУВЛАР  
БОШЛАНДИ

3-бет

ЮРТ ИШҚИДА  
ЁНМАС ЮРАК —  
ЮРАК ЭМАС

6-бет

САМАР-  
ҚАНД —  
ШАРҚ  
ГАВҲАРИ

9-бет

БЕСЛАНДАГИ  
НОХУШ  
ВОҚЕА

13-бет

Шу кунларда нишонланаётган улуг айём шодиёналари юракларга ҳузур бағишлайди: сўз бўлиб тилингизда янграйди, хуш кайфият бўлиб юзингизда зоҳир бўлади, гул бўлиб иллингизда яйрайди. Шундай тантанавор кунларда талабаларнинг спорт байрами — “Универсиада” мусобақаларининг бошланиши мамлакатимиздаги барча қалби ёшлик ғурури билан тўлган инсонлар юзига яна бир бор табассум югуртирди. Ўзига хос ўхшашлик: қадимий Афинада бўлиб ўтган бутунжаҳон Олимпиада ўйинларидан сўнг кўҳна Самарқанд юртимиз талабаларининг универсиада ўйинларига мезбонлик қилмоқда.

3 сентябрь, соат 8.00. Олимпиада ўйинлари машъаласи тафти ўчмай турибқ дунёдаги саноқли ва ноёб қурилмалардан бири — Паркент туманидаги “Физика Қуёш” илмий ишлаб чиқариш мажмуасида бевосита қуёш нуридан чўғлантирилган универсиада машъаласи Шарқ гавҳари — Самарқанд сари йўл олди.

Дастлаб турли мусобақаларда муваффақиятга эришган кема модели бўйича 2 карра жаҳон чемпиони Шавкат Исмаилов ва ёқди. Кейин Махтумқули Маҳмудовга берди. Мутахассислар ёрдамида қуёш нурини кучайтириб берувчи махсус мосламадан фойдаланиб, “Универсиада” машъаласини ёқди. Шундан сўнг универсиада машъаласини кураш бўйича жаҳон чемпиони Махтумқули Маҳмудов, Бухорода ўтган “Универсиада — 2002” ўйинларининг стол тенниси бўйича голибаси Саида Бурхонхўжаева ҳамда Афинада бўлиб ўтган XXVIII олимпиада ўйинлари иштирокчиси Наталья Михрюковалар галма-галдан кўтаришди. Уларнинг кетидан қўлларини кўксиларига қўйиб, юртимиз мадҳиясини жўрликда ижро этаётган талабалар, ўқувчилар майдонга кириб келишди. Машъала кўлдан-кўлга ўтди. Бу ҳолат авлодлар давомийлигининг ўзига хос рамзи эди. Сўнгра чиқиш дарвозаси ёнида белгиланган маршрут бўйича спорт тadbири ўтказилувчи олий таълим муассасаларидан таклиф

## НУРАФШОН ҚУЁШДАН АЛАНГА

қилинган спортчи-талабалар машъалани навбат-навбат ҳар беш юз метрда алмашиб, белгиланган масофага югуриб, элтиб бердилар. Машъалани бу тарзда кўтариб югуришнинг сабаби эса, талабалар қалбида жисмоний тарбия ва спортга қизиқиш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш тўғрисида шакллантириш ҳамда уларни маънавий жиҳатдан баркамол инсон қилиб во-яга етказиш, миллий ғурурни қарор топтириш, улар онгида бир Ватан, бир миллат, бир халқ тушунчасини ривожлантиришдан иборатдир. Қолаверса, машъалани кўчалардан олиб ўтишда талаба-спортчиларни ёшу қари — кекса отахон ва онахонлару ўқувчилар кузатиб туришарди. Бу ҳам улар кўнглида эзгулигу хавасни шакллантириши, шубҳасиз.

Паркент — Самарқанд йўналишининг дастлабки автомобил эстафетаси мобайнида Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти мутасадди ходими Шокарим Шоумаровдан машъаланинг рамзий ифодаси ҳамда унинг олов сақлаш қурилмаси ҳақида маълумот беришини сўрадик.

— Ўқувчилар, талабалар, спортчилар ғурури билан кўтарилган машъаланинг дастаги чинор дарахтидан ишланган бўлиб, бу миллатимизнинг теран тарихига, халқимизнинг мустақам имон ва иродаси ҳамда боқийлигига ишора, узоқ умр ва соғлом ҳаёт белгисидир. Эйтибор қилган бўлсангиз, дастанинг юқори қисми лола шаклида ишланган. Буни эса баҳор, ёшлик рамзининг ифодаси, дейиш мумкин. Машъала оқ пўлатдан ясалгани ва дастагининг миллий нақшлар билан бе-за-

тилгани, миллий бойлигимиз, очик, оқ кўнглилик ифодаси — пахта шаклидаги орнаментлар билан безалгани ҳам ўзига хос маънога эга. Машъаланинг ўрта қисми орнаменти кўрғонлар элементи бўлиб, Ватанимиз сарҳадлари мустаҳкамлигини, халқимиз бирлигини англатади. Унинг юқори қисми сариқ металлдан ясалган ва янги ой, тонг юлдузлари қирралари, миллий гўмбазлар элементлари акс эттирилган тож билан якунланган. Бундан халқимизнинг ҳурлик, тенглик, тинч, осуда ҳаёт, фаровон турмуш, баркамоллик шароитлари билан таъминланганлигини англаш мумкин. Ва, ниҳоят, машъала алангаси эса, мамлакатимиз раҳбарининг шу азиз Ватан учун ёниб яшайлик, деган, даъватларига жавобан баркамол авлоднинг — “лаббай” деб жавоб берган оловли қалбнинг алангаси рамзидир.

Олов сақлаш қурилмаси тўғрисида гапирадиган бўлсак, у Паркент туманида жойлашган “Физика Қуёш” илмий ишлаб чиқариш марказида кенг жамоатчилик иштирокида олов воситасида ёқиладиган оловдонни сақлаш ва ўчишга йўл кўймасдан мусобақалар ўтказиладиган манзилга элтиб берадиган мослама ҳисобланади. Қурилма миллий минора — маёқ шаклида ишланган бўлиб, саккиз қиррали мусаммаъ устига жойлаштирилган. Унинг пастки ярми мамлакатимиз байроғи рамзи билан безатилган, юқори ярми эса оловдан ва юртимиз герби туширилган айланма чамбардан иборат. Қурилманинг усти нилий гўмбаз билан беркитилган.

Бир сўз билан айтганда, ушбу олов сақлаш қурилмаси давлатимизнинг мустақиллик рамзла-

ри ҳамда ўзбек хондонининг тинч, осуда ва фаровон ҳаётини акс эттирувчи миллий тароват руҳи йўғрилган меъморий ёдгорлик тарзида тайёрланган. Олов сақлаш қурилмасини “Ватанпарвар” ташкилотининг икки кишидан иборат фахрий қоровули мусобақалар ўтказиладиган жойгача кўриқлаб боради.

Ортада қолаётган масофалар машъалани Самарқанд шахрига элтаётган автокортежни тобора кўҳна пойтахт сари яқинлаштирмоқда.

Машъала ўз йўналишида давом этар экан, Сирдарё вилояти чегарасига етиб келганда, автокортежни вилоят ҳокимияти мутасаддилари, спорт фахрийлари ва талабалар кутиб олишди.

Машъала Гулистон шахрида пиёда эстафетаси ўтказилди. Ўз навбатида Жиззах шахрида ҳам пиёдалар эстафетаси ўтказилди. Соат 17.00 да машъала Самарқанд вилояти ҳудудига кириб келди. Машъалани бу ерда ҳам ҳокимият мутасаддилари ва фахрийлар, талабалар карнай-сурнай наволари остида кутиб олишди. Ва ниҳоят 19.00 да машъала тантанали пиёда эстафетаси билан Самарқанд шахрига кириб келди. 8 километрлик пиёдалар эстафетаси машъалани кўҳна Регистон майдонига олиб кирди. Йиғилган талабаларга “Ватанпарвар” Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи ташкилот марказий кенгаши раиси Абдулазиз Абдуқаҳоров талабаларга бугунги кунда спортга берилаётган эйтибор тўғрисида сўзлади. Сўнгра Самарқанд университети талабаси Дилдора Комилова ҳамда “Универсиада — 2004” қатнашчиси Шерзод Маматов ушбу мусобақаларда қатнашаётганидан мамнунлигини билдирди. Сўнгра машъала тантанали равишда Самарқанд шахар ҳокими Сўхроб Рафиқовга топширилди. Ушбу тантанادا республика олимпиа кўмитаси раиси Рустам Қурбонов иштирок этди. Кейинги тафсилотлар билан газетанинг навбатдаги сониди батафсил танишингиз мумкин.

Шерали НИШОНОВ

### “Universiada — 2004”

Минг хил йўловчи келиб-кетадиган вокзал аслади ҳар доим гала-говурга тўлиқ. Бугунги манзара қандайдир тантанавор. Эрта тонгдан Шимолий темир йўл вокзали байрамона тусга кириб, кишилар билан гавжумлашди. Йиғилганларнинг кўпчилиги спорт формасидаги талабалар. Ажабо, улар қаёққа отланишяпти экан? Уларни Тошкент— Гулистон—Жиззах—Самарқанд йўналишидаги 420-рақамли махсус поезд вагонларига жойлаштиришга киришилди. Талабалар ўз жамоалари билан биргаликда купеларини эгаллаб бошлашди. Дўстона мусобақага чоғланган йигит-қизларнинг юз-кўзларида айрича ҳаяжон. Ҳар бир спортчи бошқа бир вилоятда, қайсидир олий ўқув юртида таҳсил олаётган, куч тўплаётган “рақибларини” кўз олдларига келтириб, роса тайёргарлик кўрган. Ким нимага қодир эканлигини исботлайдиган лаҳзаларга бир кун қолди. Белгиланган сонияда жўнашга тайёр турган бугунги “оташарава” улкан орзуларни ортмоқлаб йўлга тушади. Нукус, Термиз, Фарғона, Навоий, Урганч поездларида йўлга чиққан талабалар Самарқандда тўпланишади. Мақсад ва ҳаракатлари муштарак бўлган спортчиларнинг галаба қозониши, тайин.

Дарвоқе, “Ўзбекистон темир йўллари” давлат акциядорлик компанияси томонидан ажратилган бу махсус рейс Самарқанд шахрида бўлиб ўтадиган

универсиадага йўл олди. Аввало, кўпчиликнинг бошини бир жойга бириктиришнинг ўзи бўлмайди. Назаримизда, мамлакатимиз олий ўқув юртларида таҳсил олаётган талаба-ёшларни фақат ўз шахсий қизиқиш ва иштиёқларига эмас, балки спорт билан шуғулланиш орқали мамлакат тараққиётига ҳисса қўшишдек умумий бир мақсад-муддао ҳам жипслаштириб тургандек. Универсиадага йўл олган бу рейсга йўл-йўлакка Жиззах ва Гулистон шахар-

ли илм олиш билан биргаликда жисмоний тарбия билан ҳам мунтазам равишда шуғулланиб бориш лозим, — дейди Тошкент давлат шарқшунослик институти талабаси, яқинда бўлиб ўтган Афина шахридаги XXVIII ёзги олимпиада ўйинлари иштирокчиси Манзура Иноятова.

— Рустам Қосимжонов шахмат бўйича жаҳон чемпионлигини кўлга киритди. Мен эса универсиада голиби бўлишни ният қилганман, — дея сўз

жамоалар банд қилишди. Маданий ҳордиқ ҳам керак. Куй-кўшиқ танга руҳ, қалбга илҳом беради. Соат эрталабки 8-00 га бонг урганда, “Universiada — 2004” ёрлигини таққан поезд вагонлари ҳаракатга келди. “Албатта, галаба билан қайтинглар”, — дея дуога



## МАНЗИЛ САРИ ОШИҚҚАН ПОЕЗД...



кўл очишди поезд ортидан кўл силкитаётган ота-оналар.

Тарақ-туруқ, тарақ-туруқ... Вагонлар бир-бирининг изидан олға одимламоқда. Қуёш тобора баландлайди. Вагонларда турли ёшдаги, турли таълим йўналишидаги, турли миллатдаги, аммо ниятлари холис ёшлар Самарқанд сари ошиқишмоқда. Рейс куннинг иккинчи ярмида кўҳна Самарқанд заминига етиб боради. Мезбонлар ўз меҳмонларини гул, туз ва нон билан қарши олишади.

Азиз НОРКУЛОВ

Суратларда: махсус рейс жўнаши олдидан олинган тасвирлар.

Бурхон РИЗО суратлари

ларидаги талаба спортчилар ҳам кўшилишади.

Ҳар бир вагоннинг ички йўлагига поёндоз тўшалган. Купеларнинг жиҳозлари ҳавас қилгулик. Ювиниш ва бошқа зарурий хоналардаги шарт-шароит йўловчиларни қониқтиради. Спортчилар билан олис сафар олдидан суҳбатлашиш мароқли.

— Илм дунёқарашни, тафаккурни бойитади. Спорт эса жисмонан бақувват, руҳан тетик бўлишингизга кўмаклашади. Шу сабаб-

кўшади ҳаяжон аралаш ЎЗМУ талабаси Файрат Усмонов.

— Кураш бўйича юртдошларимиз Афинада ўтказилган Олимпия мусобақаларида бирин-кетин олтин медални кўлга киритишди. Ватандошларимнинг бу ютуғи мени ҳам янги марраларга ундамоқда, — дейди фахр билан белбоғли кураш мусобақаларида голибликни дилига туккан Тошкент молия институти талабаси Жамшид Ҳақимов.

Купелардан ўрин эгаллаган йигит-қизларга институт ректорлари, проректорлари, мураббийлари ҳамроҳ бўлишган. Спортчиларни галабага ундаб туриш, руҳлантириш айнан уларнинг зиммасига тушади.

Купелардан бирини бадий



# ИЛК БЕЛЛАШУВЛАР БОШЛАНДИ

Бу йил учинчи бор ўтказилаётган "Универсиада — 2004" спорт ўйинлари мамлакатимиз ёшларининг кенг қатламини қамраб олиш мақсадида яратилган доимий фаолиятдаги уч босқичли оммавий спорт тизимидаги мусобақаларнинг юқори босқичидир. "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" каби "Универсиада" ўйинларининг аҳамияти шундаки, у олий таълим муассасаларида тахсил олаётган минглаб ёшларни спортга жалб қилиш ва яқинлаштириш, оммавий спорт ишларини замон талаблари даражасига кўтариш, спортнинг олимпия, оммавий, ҳаракатли ва миллий турларини янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Ҳа, бугун бутун элу юртимиз, миллионлаб ёшлару спортсевар ҳамюртларимизнинг диққат-этибори гўзал ва навқирон Самарқанд вилоятида ўтказиладиган ана шу мусобақаларга қаратилган.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, республика талаба-ёшларининг "Универсиада — 2004" спорт ўйинларини юксак даражада ўтказишни таъминлаш учун Самарқанд вилоятида муайян ишлар қилинди. Жумладан, "Универсиада — 2004" ўйинларининг бош мажмуаси ҳисобланган СамДУ қошидаги 2-академик лицейи спорт мажмуасида лойиҳа қиймати 7,5 миллиард сўмдан ортиқ бўлган ишлар бажарилган. Бу ерда мамлакатимиз талаба-ёшлари катта спорт анжуманининг асосий тантаналари ва беллашувлари бўлиб ўтмоқда. Юқори даражадаги мусобақаларни ўтказишга мос келадиغان ёпиқ стадион, мини футбол, гандбол, дзюдо, самбо, бокс ва бадий гимнастика заллари, 300 ўринли ётоқхона барча замонавий шарт-шароитларга эга.

Бундан ташқари, мазкур академик лицейи билан бирга Самарқанд 2-педагогика коллежи, унинг очик ва ёпиқ сузиш ҳавзалари, енгил атлетика, волейбол, баскетбол, кураш, гимнастика заллари ҳам ушбу нуфузли байрам арафасида қад ростлади. Эйтиборлиси, бу иншоотларда бир вақтнинг ўзида спортнинг йигирмага яқин турла-

ри бўйича машғулотлар олиб бориш мумкин. "Универсиада — 2004" сабаб, Самарқандда мустақам спорт базасини яратиш борасида жуда катта амалий ишлар қилинди. Бунга спортнинг сувда сузиш тури бўйича бирданига бешта бассейннинг қуриб, фойдаланишга топширилганлиги, "Локомотив", "Динамо" стадионларининг қайтадан таъмирланиб, жиҳозланганлиги, Даҳбед кўчасидаги бош спорт мажмуаси таркибида олти спорт зали, бассейнлар ва 15 минг томошабинга мўлжалланган стадионнинг барпо этилиши ёрқин мисол бўла олади.

Самарқандда 4-7 сентябрь кунлари бўлиб ўтадиган "Универсиада — 2004" мусобақаларининг якуний республика босқичида спортнинг 12 тури бўйича Тошкент шаҳри олий таълим муассасалари талаба-ёшларидан таркиб топган 3 та жамоа, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан 13 та жамоа иштирок этмоқда. Куни кеча барча иштирокчилар "Ўзбекистон темир йўллари" ДАЖ мутасаддилари томонидан бир неча йўналишлар бўйича ташкил этилган махсус поездларда Самарқандга етиб келишди. Уларнинг барчаси ҳамда ҳакамлар Самарқанд шаҳридаги 6 та ОУЮ ва вилоят ўМҚХТ бошқармасига қарашли академик лицейи ва касб-хунар коллежлари ётоқхоналарига жойлашишди.

Бугун, яъни 4 сентябрь куни спортчи-талабаларнинг илк мусобақалари бошланиб кетди. Хусусан, СамДУ спорт залларида спортнинг баскетбол, волейбол турлари бўйича эркаклар, 1-академик лицейи спорт залида баскетбол (қизлар), иқтисодиёт ва сервис институтида волейбол (қизлар), кишлоқ хўжалиги институтида ҳам волейбол (қизлар), "Даҳбед" спорт мажмуасида эса суз ҳавзасида сузиш бўйича, "Динамо" стадионида теннис, темирйўл коллежида стол тенниси, олимпия заҳралари коллежи биносида шахмат бўйича ҳамда "Динамо", "Жомбой", "Локомотив" ва "Тойлоқ" стадионларида футбол бўйича илк беллашувлар бошланиб кетди.

**Н.УСМОНОВ**  
Самарқанд

Дунёдаги жамики тинчликсевар мамлакатларда спортни ривожлантиришга ўта жиддий эйтиборни кузатамиз. Етти ўлчаб бир кесадиган, ўз давлатининг истиқболи ҳақида қайғурадиган бундай давлатлар раҳбарлари тараққиётнинг муҳим шартини спортда деб биладилар. Спорт — дини, миллати, ирқи, жинсидан қатъий назар элни жиҳслаштирувчи, яқдил қилувчи омил, жамиятда фуқароларо тотувликни, ички барқарорликни мустаҳкамловчи қудратли куч ҳисобланади. У эл-юртнинг келажаги бўлган, фарзандларни баркамол вояга етишларида ҳам асосий бўгин саналади. Ўзбекистонда ҳам спортнинг оммавийлигини таъминлашга эйтибор қаратилаётгани ва бу ишнинг ташаббускори Президентимиз Ислам Каримов эканлигига барчамиз гувоҳимиз.

Аслида, спортсеварлик халқимизнинг қонида бор. Тарихчиларнинг шаҳодат беришича, Турон заминиде эраמידан аввалги III-I асрлардаёқ аждодларимиз кураш, найза отиш, қиличбозлик, камондан отиш, шахмат, улоқ, пойга каби инсонни ҳам жисмонан, ҳам маънан камолга етказувчи мусобақаларни оммавий равишда ўтказиб келганлар. Эйтиборлиси, булар асрлар давомида авлодма-авлод такомиллаштирилиб борилган. Бугун ҳар бир ўзбек қалбида жо бўлган танतिक, мардлик ва жасурлик туйғулари ана шу илдиздан қувват олиб келаётган бўлса ажаб эмас. Ахир не не баҳодирларнинг елкасини ерга теккизган, Алпомиш, забардаст Фарҳод ҳақидаги ривоятлару достонлар шунчаки афсона эмас, Халқ мардлигининг тимсоли ҳамдир.

Рус чоризми босқини, ундан сўнг эса салкам 70 йил ҳукм сурган собиқ иттифоқ сиёсатининг асл мақсади — энг аввало халқ руҳини синдириш эди. Ўзлигидан жудо қилиш учун, бутун ҳаракат, кураш айнан элнинг миллийлигидан айриш, унинг бой тарихи, ҳикматли удумларини йўқ қилишга қаратилганлиги бежиз эмас эди. Бир эсланг: бугун жаҳон афғор оммаси томонидан халқаро спорт тури сифатида тан олинган ўзбек курашини қатағонга учратган шу сиёсат эмасми? Тўю сайилларда элга завқ, гурур бағишлаган, уни жиҳслаштирган улоқ спорт ўйини таъқиқланиб, насли отларни қушхонага топширган айни шу сиёсатнинг макри эди-ку!

Мустақилликдан сўнг, ҳукуматимиз томонидан халқ миллий ўйинлари ва спорт турларини тиклаш маънавий ҳаётни яхшилашнинг, миллий ўзлигини англаш жараёнининг ажралмас қисми деб баҳоланди.

Шуни фахр билан таъкидлаш кераки, истиқлол йилларида узлуксиз таълим йўлга қўйилганидек, спорт ҳам худди шундай шаклланди.

Умумтаълим мактаб ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаси ушбу узвийликнинг бошланғич босқичи ҳисобланади. Агар, чуқуроқ мулоҳаза қилиб кўрсак, мусобақанинг номланишида ҳам рамзий маъно бор. Ўқувчилар чиндан ҳам ниҳол, улар униб-ўсишда давом этяпти. Ўқувчи-ёшларга умид ниҳоллари сифатида қараш, спорт билан шу-



# СПОРТ МИЛЛАТНИ ЮКСАЛТИРАДИ

Ғулланишларига имконият яратиш, қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, ушбу мусобақанинг энг муҳим ва бирламчи шартидир. Уларни таянч синфлардан бошлаб турли мусобақа ва беллашувларга жалб қилиш, шубҳасиз, узлуксиз таълимнинг кейинги босқичларида ҳам худди шундай учрашувларга руҳан, жисмонан тайёрлаб боради.

Эсимда, 5-6 ёшларимдаёқ кураш туша бошлаганман. Дастлабки беллашувлар оддий кишлоқ болалариники каби ўз тенгқурларим қўни-қўшнилари билан бўлган. Раҳматли отам — Товош полвоннинг ўғитлари сабаб, курашчи бўлишга, эл-юрт орини кўтаришга ўша вақтдаёқ бел боғлагандим. Ана шу васият боис акам, дзюдо кураши бўйича спорт устаси Абдукарим Тангриев ўз шогирдлигига олиб, илк мусобақада — тўйларда ташкил этиладиган кураш майдонларига етаклаган. Ростини айтсам, мени ана шу давралар тоблади. Аслида, бундай кураш майдонларида давра айланишнинг ўзи бир жасорат. У кишига қувват бағишлайди.

Академик лицейи ва касб-хунар коллежларида ўқиётган ёшлар учун ўтказиладиган «Баркамол авлод» беллашувларининг нафақат саломатликни асрашдаги, балки, ёшлар ўртасида дўстлик ва ўзаро ҳамкорлик ришталарини боғлашдаги аҳамияти ҳам муҳимдир. Буни, кураш майдонида ўзинг севган полвонни бир бор бўлса-да, галабасини тилаб муҳлисик қилганини ҳис этасан киши. Бордию гиламда ўзинг бўлсангчи!

Мамлакатимизда йўлга қўйилган уч босқичли спорт мусобақаларининг яна бир аҳамиятли томони бор. Бу ҳам бўлса, анжуман ўтказилиши белгиланган вилоятдаги тайёргарлик жараёнидир. Республикаимиз шаҳарларида ўтказилган бундай беллашувлар натижасида замо-

навий спорт иншоотлари қурилмоқда ва шу тариқа мунтазам барча ёшдагиларга спорт билан шуғулланишга имконият яратилмоқда.

Эсимизда бор, "Универсиада-2000"нинг илк мусобақасига Наманган шаҳрида асос солинган ва гуллар шаҳри ўшанда яна ҳам чирой ва кўрк очиб, барча-барчанинг кайфияти тоғдек кўтарилган эди. Вилоят ҳокимлиги 2000 йилда бўлиб ўтган талаба-ёшлар мусобақасига катта ҳозирлик кўрган экан. Шаҳардаги барча олий таълим муассасаларининг очик ва ёпиқ спорт таъмирдан чиқарилган мажмуаларини кўриб кўз қувонарди. Универсиада илк бор ўтказиладигани боис, кичик «Олимпиада» деб, ном олганди ўшанда. У маълум маънода, кейинги спорт мусобақалари учун пойдевор бўлиб хизмат қилди. Ўша кезларда менда ҳам ана шундай мусобақаларда куч синашиш орзуси пайдо бўлган эди.

Қадимий ва навқирон Бухоро шаҳридаги беллашувларда аввалги учрашувга нисбатан ҳам турлараро, ҳам иштирокчилар сонининг ўсишини кузатдик. Бу гал менинг орзуим ушалди. Ўз кучига ишонган, интилувчан спортчи тенгдошларим билан бел олишишга мурассар бўлдим.

Ўзбекистон ўзининг ёрқин келажагини билимдон, жисмонан бақувват, дунёқароши кенг, тафаккури ўткир ёшлар тимсолида кўради. Шундай экан, ёшларга қанчалик даражада жиддий эйтибор қаратилса, тўғри йўлдан бориши учун имкониятлар яратилса, бунинг меваси тотли ва баракали бўлади. Универсиада гарчанд Ўзбекистон миқёсида ўтказиладиган бўлса-да, маълум маънода у ёшларнинг халқаро мусобақаларда иштирок этиб, юртимиз шарафини ҳимоя қилишларида ҳам сезиларли босқич вазифасини ўтамоқда. Жаҳон бирин-

чилиги, Осиё биринчилиги, Олимпиада, Кубок мусобақалари ва ҳ. Халқаро мусобақаларда маҳорати тан олинган ёшлар орасида ўзбекистонликлар борлигини уларнинг аксарияти талабалар эканлигини эйтиборга оладиган бўлсак, Универсиада беллашувларининг аҳамияти яққол кўзга ташланади. Масалан, бокс бўйича олимпиада ва жаҳон чемпионлари Муҳаммадқодир Абдуллаев, Руслан Чагаевлар Андижон давлат университетиде тахсил олишган. Хитойда ўтказилган XXI бутунжаҳон университетиде жаҳоннинг 169 та давлатидан келган талабалар иштирок этишди. Ўзбекистон терма жамоаси аёзоларидан Тошкент давлат иқтисодиёт университети талабаси Эгамназар Акбаров олтин, жумладан, мен, қумуш ва бронза, СамДУ талабаси Михаил Соколов бронза медаллари билан қайтдик. Ўтган йили эса Корея Республикасининг Дейгу шаҳрида бўлиб ўтган ушбу мусобақада иқтисодиёт университети номидан иккинчи бор қатнашиб, аввалги мағлубиятдан холис хулоса чиқарган ҳолда 2 та олтин медални қўлга киритишга муваффақ бўлдим. Сафдошим Акул Оманмуродов эса бронза медалини қўлга киритди. Беллашувлардаги изчил саъий ҳаракатларимиз, полвонларимиз ва мураббийларимизнинг тинимсиз меҳнати туфайли республикаимиз терма жамоаси 177 та давлатдан вакиллар иштирок этган чемпионатда 19-ўринни эгаллашга муваффақ бўлди. Иштирокчилар сони бўйича қиёс қиладиган бўлсак, бу анча юқори ўрин ҳисобланади. Хуллас, жаҳон ҳамжамияти мамлакатлари ўртасида спорт соҳасида ҳам ўз овозимизга, ўз муносиб ўрнимизга эга бўлдик.

Мана, ҳаш-паш дегунча икки йил ўтиб, университетининг 2004 йилги мусобақаларига ҳам етиб келдик. Бу йил учинчи бор ўтказиладиган спорт анжумани ёшларни жисмонан ва маънан баркамол қилиб тарбиялаш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш билан бирга 2005 йили Туркиянинг Измир шаҳрида бўлиб ўтадиган бутунжаҳон "Универсиада-2005" мусобақаларида иштирок этадиган Ўзбекистон терма жамоалари учун номзодларни саралаб берди.

Универсиадада барча иштирокчиларга ҳам омад кулиб боқмаслиги мумкин. Умид қиламизки, бу медаллар ўзининг ҳақиқий соҳибларига топширилади. Аммо мағлуб бўлганларнинг кўнгли чўкмаслиги керак. Бу ҳалол кураш майдони. Унда кимдир ютади, кимдир эса ютқазади, тамойил шундай. Мағлубият кейинги галабалар сабоғи.

**Абдулла ТАНГРИЕВ,**  
Тошкент давлат иқтисодиёт университети толиби,  
XXII бутунжаҳон университетининг мутлақ ғолиби  
(Газетанинг 2004 йил 12 июлдаги 1(13) махсус сонидан олинди.)

Хафтанинг якшанба куни эди. 3-синф ўқувчиси Исмоил бугун ҳар қачонгидан эрта ўрнидан турди. Одатда якшанба куни бўлганлиги сабабли, болалар қолиб, ҳатто кўпчилик катталар ҳам уйқудан туришга шошилишмайди. Боз устига ҳозир таътил пайти бўлса. Насиба ўғлининг бу ҳаракатини аввалига сира тушунолмади. Сўнгра бирдан бунинг сабаби хотирасига келиб, кулиб қўйди. Чунки у бугун бозордан янги сумка, дарсликлар, ручка, мактаб формаси, дафтарлар олиб беришини айтиб, ўғлининг «қулоғини қиздириб» қўйган эди-да.

Янги ўқув йили бошланган айни кунларда ҳам мана шу каби воқеаларни фарзанди мактаб ўқувчиси бўлган ҳар бир оилада кузатиш мумкин. Боиси эса маълум — айни пайтда ҳам мамлакатимизнинг барча жойларида мактаб бозорлари фаолият олиб бормоқда.

Наманган вилоятида бу турдаги бозорлар июль ойининг сўнги кунларидаёқ ўз ишини бошлади. «Намангансавдо» акциядорлик компанияси етакчилигида ташкил этилган мазкур бозорларда вилоят бозорлар уюшмаси, «Китобсавдо» акциядорлик жамияти, Наманган тикувчилик «Муштарий» акциядорлик



### У БУ ЙИЛ ҚАНДАЙ УСУЛДА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ?

жамиятлари, вилоят «Матлуботсавдо» акциядорлик компаниясининг туман бўлимлари ўз маҳсулотлари билан иштирок этмоқда.

— Энг катта «Мактаб бозори» шахримизнинг Лола даҳасида жойлашган. «Жаҳон бозори», «Исфархон» супермаркети, барча туманлар марказларида ҳам шундай бозорлар харидорлар хизматида, — дейди «Намангансавдо» акциядорлик компанияси раи-

си Иброҳим Домлажонов.

Вилоят «Китобсавдо» акциядорлик жамияти ижара усулида бериладигандан ташқари дарсликлар, ўқув қуроллари билан бозорни тўлдирган. Бу маҳсулотлар билан жамиятнинг шаҳардаги 11 та китоб дўконлари ва 3 та кичик ярмаркалари, Наманган, Уйчи, Учқўрғон, Янгиқўрғон, Тўрақўрғон, Чортоқ туманларидаги дўконлари савдо қиляпти. «Китобсавдо»

2004 йил учун пойтахтимиздаги «Ўқитувчи», «Ўзбекистон», «Адолат», Абу Али ибн Сино, Фафур Фулом, Абдулла Қодирий номидаги нашриётлар ҳамда «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси билан дарслик олди-соттиси бўйича 95 миллион сўмлик шартномалар имзолаган. Шундай бўлса-да, 6—8-синфлар учун мўлжалланган аниқ фанлар бўйича дарсликлар етарли эмас.

Наманган тикувчилик «Муштарий» акциядорлик жамияти томонидан бежирим қилиб тайёрланган пахтали, енги узун ва калта, мактаб ёшидаги болалар кўйлаги, юқори, бошланғич синф ўқувчилари шимлари, костюмлар, турли спорт кийимлари эса харидор диққатини ўзига тортади. «Муштарий» бу йилги мавсум учун 4.769.000 сўмлик ана шу турдаги маҳсулотлардан ишлаб чиқарган.

— Набирам Муҳаммадсоли бу йил 1-синфга боради. Шунинг учун унга кўйлак, шим, дафтар, ручкалар сотиб олдим. Бир хурсанд бўлсин, — дейди мактаб бозорини айланиб юрган поплик Пирмат Мадрахимов.

Ҳа, халқимиз болажон. Фарзанди, набирасининг хурсандчилиги учун молу жонни аямайдиган эл.

«Намангансавдо» акциядорлик компаниясининг савдо бўлими бошлиғи Баҳромжон Каримовнинг маълум қилишича, бугунгача «Муштарий» акциядорлик жамиятининг 240.000 сўмлик, «Жаҳон бозори» томонидан 400.000 сўмлик, «Намангансавдо» акциядорлик компаниясининг 800.000 сўмлик, «Китобсавдо» акциядорлик жамиятининг 1.000.000 сўмлик маҳсулотлари, жами 2.500.000 сўмликка яқин мактаб бозори маҳсулотлари ўз эгаларини топган.

Хуршид СУЛТОНОВ

## «ТЕМИРҚАНОТ»ЛАРИНГ ҚАЙРИЛМАС, ВАТАН

Мустақиллигимизнинг 13 йиллиги арафасида Хатирчи туманида янги қад ростлаган 320 ўринли мактаб ажойиб инсон, маорифимиз фидойиларидан бири Жалолиддин Ражаб Новвой ўғли номи билан аталди.

... Қирқ бир йил юзлаб ўғил-қизларга ҳижжалаб алифбо сабогини берган, ҳарф танитиб маърифат гулшанига бошлаган Фарида аянинг юрагидаги шукроналик туйғуси кўзларида, юзларида, куйгуларида уфуриб турарди бутун.

— Истиклол изларингдан айланайин, Сенинг нафасинг билан мактабу таълимнинг қадди баланд кўтарилаётир. Меҳнат қилган эъзозини топаётир, фидойий жонкуяр қувватланаётир. Шу Ватан, шу эл дея ёниб, чарақлаб яшаб ўтганларнинг номлари абадийлаштирилмоқда. Ўзбекистон ўзининг саодатли йўлини топди... Оддий ўқитувчилигининг ортидан кўксини «Шухрат» медали безаб турган, меҳнат фахрийси, қаҳрамон она Фарида Ражабова бу қайдларни энтикиб-энтикиб сўзлайди. Наинки, унинг неча йиллик орзулари ушалди бугун. Ҳам устози, ҳам маслақдош ҳамкасби, фарзандларининг меҳрибон отаси, умр йўлдоши Жалолиддин Ражабовнинг хотираси эъзозланиб, номи абадийлаштирилди.

\*\*\*

... Жалолиддин отанинг ҳаётий фаолиятида салмоқли, эътироф этса арзигулик саналар жуда кўп. Новвой оиласида таваллуд топиб, отасидан ҳалоллиги кўнглию кўли очиклик, онаизоридан покиза меҳр-оқибатни кўриб улғайган меҳнаткаш йигит қаерда ишламасин бу гўзал фазилатларни қалб ширрига айлантди. Унинг ўспиринлиги даҳшатли уруш йил-

ларига тўғри келди. Ёш, касб танлаб ўтирадиган даврлар эмас. У шароит тақозо этганида далада ҳисобчилик қилди. Айни пайтда суюкли касби ўқитувчиликни ҳам давом эттирди. Юртда осойишта кунлар бошлангач, олийгоҳда таҳсил олди. Адабиёт, шеърятга илоси баланд ғайратли истеъдод соҳиби 1950-53 йиллари пойтахтдаги «Ўқитувчи» нашриётида ҳам фаолият юритди. Ёш муҳаррирининг ўз тўпламини ўзбек тилидан русчага маҳорат билан ўрганини кўрган академик шоиримиз Фафур Фулом «Нашриётга Жалолиддин Ражабий деган «Темир қанот» келибди. Агар уни тарбияласа қанот чиқариб парвоз қилиши

### Ehtimom

мумкин» дея хушнудлик билан таъриф берадилар. Адабиётимизнинг ажойиб даргалари Ойбек, Файбулло Саломов, Воҳид Абдуллаев, Нуриддин Шуқуров ва бошқалар билан бўлган гурунгу гаштаклар, шеърхонлиги баҳс-мунозаралар Жалолиддин Ражабовнинг ҳам фикрат оламини бойитди, ҳам шуурини пешлаб, қаламини чархлади. Бу муҳит унинг камолоти учун ниҳоятда муҳим эди. Лекин...

Онаизори Ойпошшо момонинг йўқловлари, соғинчи, қолаверса, ёлғиз ўғиллик меҳру оқибати ҳамма нарсадан устун келди. У онаизори хизматида Хатирчида қайтди... Оққан дарё оқаверади деганларидек, домла она қишлоғида ҳам ҳалол меҳнатининг ортидан хурмат, эътибор топди. Қатор йиллар халқ таълими тизимида турли вазифаларда ишлади. 1972-77 йилларда туманда чоп этилаётган «Янги ҳаёт» ҳозирги «Хатирчи ҳаёти» газетасининг бош муҳаррири сифатида фаолият

кўрсатди. Бу даврда домланинг раҳбарлик салоҳияти, ташкилотчилиги, қаламининг ўткир қирралари яна бир қарра намоян бўлди. Кўплаб истеъодлар айнан унинг ғамхўрлиги, эътибори билан журналистика оламига кириб келди. Устознинг жонкуярлиги, саъй-ҳаракатлари билан тахририятнинг янги биноси қад ростлади.

Домла том маънодаги ватанпарвар, элпарвар инсон эди. У ҳар сония сўзи амали билан шогирдларига ҳавас қилиб эргашса арзигулик ибрат намунаси бўла олардилар. У ҳар сония сўзи амали билан шогирдларига ҳавас қилиб эргашса арзигулик ибрат намунаси бўла олардилар. У 1977 йили хароба бўлаётган тумандаги 33-мактабга директор этиб тайинландию янги мактаб биносини қурдириш ташвишига тушиб қолди. Рисоладагидек ўқув муассасаси қад ростлаб, жамики имкониятлар бисёр этилгунича кўнгли ҳаловат топмади. Фижжагу найни эшиб-эшиб чаладиган домла янги билим гўшасида бадий ҳаваскорлик ансамбли тузиб иш бошлаши учун жамики имкониятларни ҳозирлатди. Спорт турларини ривожлантириш чораларини кўрди. Илму урфон ошиёнида таҳсил олган, олаётган юзлаб ёшлар бугун, эртага юртнинг қорига яровчи камарбаста фарзандлар бўлиши шаксиз.

Бугун азиз фарзандини эъзозлаган хатирчиликлар катта эҳтиром билан мактабга унинг номи беришди. Жалолиддин Ражабов ҳаётдан кўз юмган бўлса-да, у бошлаган эзгу ишларни бугун шогирдлари давом эттиришмоқда. Устоз азиз саналган юртда «темир қанот»ларинг асло қайрилмасин, Онажон Ватан!

Ойбуви ОЧИЛОВА

Юртимиз мустақилликка эришган кун — қутлуғ байрамга бағишлаб барча жойларда байрамлар, кечалар ўтказилмоқда, улуг сана муносиб нишонланмоқда.

Куни кеча «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тошкент шаҳар бўлимининг ташаббуси билан «Бунёдкор» ёшлар телеклубида катта байрам тадбири бўлиб ўтди. Унда пойтахтда рўй берган портлашларда ўз хизмат вазифасини ўтаётиб ҳалок бўлган Тошкент шаҳар ИИББ ходимларини хотирлаш,

### «КАМОЛОТ»ДА КУШАЛОК ТАДБИРЛАР

мақсадида оилалари, фарзандлари таклиф этилди ҳамда уларга ўқув қуроллари тарқатилди. Улар учун байрам дастурхони ёзилиб, концерт дастури намойиш этилди.

Тадбирда фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, содир этилган жиноятларни очиш ва вояга етмаган ёшларни тарбиялашда яхши натижаларга эришаётган милиция ходимлари ва «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаларининг сардорлари рағбатлантирилди.

Шунингдек, Ҳаракатнинг Тошкент шаҳар бўлими қошида кам таъминланган оилалар, етим ҳамда профилактик рўйхатда турувчи вояга етмаган болалар учун фаолият кўрсатувчи компьютер марказининг бепул ўқув курсларини тамомлаган битирувчиларга сертификатлар топширилди.

Назокат ХОЛМЕТОВА


«Камолот» ЁИХ, Тошкент шаҳар бўлими кенгаши, Тошкент шаҳар ҳокимияти, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бош бошқармаси ҳамкорлигида «Бунёдкор» ёшлар телеклубида ўқув-семинари ташкил этилди. Семинарда пойтахтда жойлашган ўрта махсус таълим муассасаларининг директорлари иштирок этди. Семинар

### ДИРЕКТОРЛАР СЕМИНАРИ

дастурига мувофиқ «Камолот»нинг 2004—2005 ўқув йилидаги вазифалари, ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув юрғларида ҳаракатнинг бошланғич ташкилоти етакчиларини сайлаш, гуруҳдаги «Камолот» ЁИХ бурчагини яратиш юзасидан ўқитувчиларнинг таклиф ва мулоҳазалари тингланди. Шунингдек, ОЎЮлари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасалари билан ишловчи «Зиёкор» маркази ташкил этилгани, бу марказ ОЎЮлари билан ҳамкорлик қилиши таъкидланди.

Зухра БОБОХЎЖАЕВА,  
«Ma'rifat» мухбири

Бундан бир неча йиллар аввал Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов ёш гроссмейстер Рустам Қосимжоновга компьютер совға қилганди. Бу совғадан хурсанд бўлган Рустам ўшанда мамлакат Президентига "албатта шахмат тожини Ўзбекистонга олиб келаман" деб ваъда берганди.



Мана орадан йиллар ўтиб, Рустам ўз ваъдасининг устидан чиқди. У 2004 йилнинг 13 июлида Ўзбекистон номини яна бир бор дунё узра таратди. Ливаннинг Триполи шаҳрида бўлиб ўтган шахмат бўйича жаҳон чемпионатида муносиб иштирок этиб, финалда англиялик Майкл Адамс устидан ғалаба қозонди. Ўзбекистонга ўзи айтганидек, шахмат тожи билан қайтди.

Рустам Қосимжонов "Ўзбекистон белгиси" нишони, "Ўзбекистон ифтихори" кўкрак нишони ҳамда жаҳон чемпиони бўлгач «Амир Темури» ордени билан тақдирланди.

Чемпион тугилиб-ўсган маҳаллага кириб борар эканмиз, дуч келган одамдан унинг уйини сўрадик. Ҳамма "Ҳа, чемпионнинг уйи-

ми" деб бажонидил йўл кўрсатиб қолди. Аслида бу уйга чемпион билан эмас, уни дунёга келтириб, оқ ювиб, оқ тараган онаси билан суҳбатлашиш учун келаётгандик. Рустам эса галдаги мусобақаларга тайёргарлик кўриш учун Германияга жўнаб кетганди.

Йўл-йўлакай мен кўп нарсаларни

ўйладим. Чемпионнинг онаси, чемпионга она бўлиш қанчалик ҳузурли, қанчалик тотимли сўз. Чемпионга она бўлиш қийин эмасмикан, ўғлику аввал Рустам эди, энди эса Жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов!

Тўғриси, истараси иссиқ, кўзлари кулиб турадиган аёл — Рустамнинг онаси Меҳринисо Қосимжонова билан қайси мавзуларда суҳбатлашимиз ўзимга ҳам аниқ эмасди. Фақат хаёлимда онасига "Рустам чемпион бўлган кунни йиғладим, уни телевизорда қайта-қайта кўрсатишаётганда қайта-қайта йиғладим", деб айтаман деган фикр бор эди, холос.

Меҳринисо опа билан суҳбатимиз шундай кечди:

Меҳринисо  
ҚОСИМЖОНОВА:

## ЎҒЛИМНИНГ ЗЎР ШАХМАТЧИ БЎЛИШИНИ БИЛАРДИМ

— Боланинг шахс сифатида шаклланишида у вояга етadиган муҳит муҳим роль ўйнайди. Рустам болалигида қандай бола бўлган?

— Рустам чақалоқлигида серхархаша бола эди. Кейин икки-уч ёшга тўлганида кўп инжиқлик, тўпалон, шўхлик қилмайдиган бўлиб қолган. Бир жойга чўк тушиб оларди-да, ақл талаб қиладиган ўйинларни ўйнаб ўтираверарди. Турли хил шакллардан бирор буюмни йиғишми ёки кичик-кичик уйчалар қуришми, дегандек. Шахматни ҳам акасидадан жуда тез ўрганиб олган. Эсимда бор, боғчанинг охириги гуруҳида тарбияланаётганда 1-синфнинг математика китобини қўлтиқлаб кетиб, оддийроқ масала ва мисолларни ечиб ўтирарди. Унга боғчадаги машғулотлар зерикарли туюларди, шекилли-да.

— Рустам болалигида ким бўлишни орзу қиларди? Сизга бирор марта шахматчи бўлман деганмиди?

— Биласизми, Рустамнинг шахматчи бўлишини хаёлимга ҳам келтирмаганман. Ўғлим шахматни жуда кўп ўйнарди. Худди эртақ китобларни кўп ўқигани каби. Мен аввал шахмат ҳам унинг қизиқишларидан бири бўлса керак, деб ўйлаганман. Ҳатто шахмат унинг вақтини жуда ҳам кўп олиб қўйяпти, бу Рустамга салбий таъсир кўрсатади, деб хавотирланганман ҳам. Лекин бирор марта фалон касб эгаси бўлман, деб айтмаган.

— Боланинг яхши ёки ёмон бўлиб улғайишида у эшитган алла ва эртақлар, ривоятларнинг ўз ўрни бўлади, дейишди. Биринчи марта Рустамга қайси ривоят ёки эртақни айтиб бергансиз?

— Унга кўп эртақлар, ривоятлар айтиб берардим. Лекин негадир ҳозир уларнинг бирортаси ҳам эсимга келмаяпти. Ўғлим жуда

қийин шароитда ўсган. Рустам туғилганида раҳматли отаси касал бўлиб қолган эди. Баъзан бола билан овора бўлиб, отасига яхши қарай олмаяпман, деб ўйлаганман.

Рустамни ҳам алла айтиб ухлатмоқчи бўлардим. Лекин биласизми, алла айтишни бошласам, йиғи келаверарди...

— Унинг опаси ва акасидадан фарқли жиҳати бормиди?

— Рустам ҳам, бошқа болаларим ҳам жуда қаттиқ шўхлик қилиб, мени ранжитганини эслай олмайман. Акаси Хуршид, опаси Умида, Рустам учалови ўз-ўзларига қизиқ-қизиқ ўйинлар топиб олишарди, уйда спектакллар қўйишарди. Рустамни ўшанда худди актёрлардек кийинтириб қўйишарди. Фақат менинг болаларим эмас, бошқа болалар ҳам кўп нарсага қизиққан бўлса керак, деб ўйлайман. Рустам кўп шўхликларни қилмаган. Уйдан узоққа кетиб қолмасди, ким биландир жуда қаттиқ ёқалашмасди. Бирор жойга чиқиб кетса, айтган вақтида қайтиб келарди. Рустам акасидадан олти ёш кичик бўлганлиги учун, иккиси жуда қаттиқ урушмасди, жанжаллашмасди.

У бирор марта шахматчи бўлман, деб айтмаган. Рустам ўсмирлигида ташкилий ишларга шўнғиб кетди. 90-йилларда болалар ва ёшларнинг янги ташкилотлари тузилаётган пайтларда у ўзининг ғоялари, фикрлари би-

лан кўпгина йиғилишларда қатнашарди, собиқ Иттифоқ миқёсидаги "Артек" оромгоҳига ҳам бориб келганди. Ҳар қандай она ҳам ўз фарзанди ҳақида тўлиб-тошиб, фахр билан гапирса керак. Мени ҳам газетхонлар маъзур тутишларини хоҳлардим, ўғлимни кўқларга кўтариб юбораётган бўлсам. Рустамнинг зеҳни жуда ўткир эди. У барча фанлардан аъло баҳога ўқиган. Унинг дўстлари, ўртоқлари жуда кўп бўлган. Айниқса, бир эътиборли жиҳати, Рустамнинг дўстлари, ўртоқлари ўзидан бир-икки ёки ундан ҳам кўпроқ ёшдаги, катта кишилар бўларди. Акасининг ўртоқлари ҳам дарвозадан Рустамни чақириб кириб келишарди.

— Унинг ўзига хос, бошқалардан ажралиб турадиган характери бормиди?

— У болалигиданоқ ҳар бир нарсага жиддий қарарди. Кейин муаллимлари 1-синфда ўқувчиларни турли тўғарақларга танлаб олаётганларида, эшитиш қобилияти кучли экан, ўғлингизни мусиқа тўғарагига беринг, дейишган. Маълум муддат у мусиқа билан ҳам шўғулланиб юрди. Шахматга берилиб кетгач, мусиқани ҳам йиғиштириб қўйди.

— Сиз Рустам ўртоқларига нисбатан эрта улғайаяпти, деб кўрқмаганми-сиз?

— Фақат шахмат масаласида бироз хавотирланганман. Назаримда шахматни сал

катта бўлгач, масалан 18-20 ёшларда ўйнашни бошлаш керак эди. Бизнинг ишхонамизда, маҳалла гузариди катталар ўйнарди. Ахир шахмат жиддий ўйин-ку. Рустамнинг шахмат бўйича биринчи мураббийи Грушевский "мен 18 ёшда шахмат ўйнашни бошлаганман, ҳозирги кунда эса шахмат жуда ҳам "ёшариб" кетди. Рустамда алоҳида қобилият бор", деб ташвишлишимга шундай жавоб берган. Рустам 10 ёшида ўсмирлар ўртасида Республика чемпиони бўлган. Ўшанда унинг рақиблари 18-19 ёшли болалар бўлганди.

— Унга шахмат тахтасини ким олиб берган ва неча ёшида?

— Раҳматли дадасининг шахмати бор эди. Ака-ука ана ўшанда ўйин бошлашган. Дастлаб акаси дадасидан ўрганган, кейин Рустам акасидадан. Хуршид ўғлим ҳам яхши шахматчи. У ҳам бир



камайтирила бошланди. Рустамнинг синфдошлари бошқа мактабларга ўтиб кета бошладилар. Шунинг учун синфи тарқалди. Кейин 90-мактабга ўтказишга мажбур бўлдик.

— Чемпионнинг онаси...

— Яқиндан бошлаб, мен ўғлимнинг доимо яхши ўйнашини билардим, доим Рустам зўр шахматчи ердим, энди эътироф қилинди-да, деб айтяпман.

Уни баъзи пайтларда ўзим мусобақаларга олиб боришимга тўғри келарди. У шахмат тахтасига мук тушиб ўйнаётганда жудаям эзилиб кетардим. Яхши ўйнаса, ундан кўп хурсанд бўлардим, сал ёмонроқ аҳволга туша бошласа...

— У ғолиблик учун беллашаётганда ичингизда мудом такрорлаб турадиган сўз бормиди?

— Аввал ёш бўлган эканманми ҳаяжонланиб, ҳеч нарса ҳақида ўйлолмай қолардим. Мана шу Триполи шаҳрида бўлаётган ўйинларни биз акаси билан Германияда туриб кузатдик. Рустам финалгача етганида "худого шукр, мана финалгача чиқдику, шунисиғаям шукр" дейману, яна орқасидан "худое шунча кўллаб-қувватладим, ўзинг кўлла худойим, ўғлим чемпион бўлсин" деб такрорлаб тураман.

Финалга чиққанида у билан телефон орқали гаплашдим. У одатдагидек хотиржам эди. "Ойижон, хавотир олманг, чарчамаганман, мазза қилиб ухладим" деди вазминлик билан. Майкл Адамс эса ўша кунни туни билан ухламай чиққан экан.

\*\*\*

Меҳринисо опа ҳақида, Рустам Қосимжонов ҳақида кўп ва хўп гапирилди. Бу суҳбатимизда баъзи саволлар очик қолгандир, баъзи саволлар етишмаётгандир. Муҳими Рустам Жаҳон чемпиони бўлди. Муҳими Меҳринисо опанинг узоқ йиллик армонлари ушалди. У ўзи истаганидек фарзандлари камолини кўрмоқда. Президент Ислам Каримов таъбири билан айтганда, чемпион "Бу ёруғ дунёда олти миллиард одам бўлса, ана ўша олти миллиард инсонлар ичида шахмат борасида яққа яғнаси" деганидир. Шу гапдан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, бу ёруғ дунёда олти миллиарддан ортиқ инсон умргузаронлик қиладиган бўлса, чемпионларнинг онаси ҳам саноклигина бўлади. Ана шундай оналар орасида ўзбек аёли Меҳринисо опа ҳам бор, дея гурури билан айта оламиз.

Шарифа МАДРАХИМОВА  
суҳбатлашди.



## ЮРТ ИШҚИДА ЁНМАС ЮРАК — ЮРАК ЭМАС

Янги ўқув йилида республикамиз таълим муассасаларига 590 минг нафарга яқин ўғил-қизлар илк бор қадам қўйишди.

Биринчи сентябрь — Мустақиллик байрами. Бу кун юртимизда 13 йилдирки, озод элнинг буюк байрами сифатида кенг нишонланиб келинаётир. Бу саодатли кунда барча қатори болажонлар гурури юксалади, Ўзбекистондек жаннатмакон мамлакати борлигидан фахрга тўлади. 2 сентябрь куни ўғил-қизлар ана шундай хислари ила мактаб остонасига қадам қўйдилар. Биз куни кеча Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги тарих фанига ихтисослашган 216-ўрта махсус мактабда бўлганимизда бунинг гувоҳи бўлдик. Ўғил-қизларнинг қўлларидаги муаллимларга аталган гуллар эътиборингизни тортмасдан қўймайди. Мактаб пештоқидаги "Ассалом, мактаб!", "Янги ўқув йилингиз кутлуг бўлсин!", "Мустақиллик — энг улуғ, энг азиз байрам!", "Тарих

ўзликини англашдан бошланади" каби сўзларни ўқиб, байрам руҳини янада теранроқ хис этдик. Бу кун мактабга илк бора қадам қўйган ўқувчи қалбида бир умрга муҳрланиши, шубҳасиз. Сабаби, у илк бор "Биринчи кўнғироқ" садосини эшитади, Президентимиз совғасини олади, сўнгра Мустақиллик дарсидан бахраманд бўлади. Хуллас, болажонлар қувончи оламга таралади. Мактабга ташриф буюрган ота-оналар, маҳалла фаоллари, туман ҳокимлиги ва ХТБ вакиллари ҳам бу воқеликнинг шоҳиди бўлишди.

Ўзбекистон мадҳияси янграйди. Барча қўлларини кўксига қўйиб, унга жўр бўлади. Қалбларда ҳаяжон, ўзгача энтиқиш... Табрик сўзларидан сўнг ўқувчилар саф бўлиб, синфхоналарига йўл олдилар.

— Бу йил мактабимизга 140 нафар жажжи болажонлар қабул қилинди, — дейди ёш мутахассис Сайёра Зиёева. — Улар

нинг бир гуруҳини менга ишониб топширишди. Ҳаяжонланаёпман. Чунки иш фаолиятим шу бугундан бошланади. Менга билдирилган ишонччи устозларим — II даражали "Соғлом авлод" ордени соҳибаси Гулнора Одамбекова, илғор муаллима Маҳмуда Одилова кўмагида, шунингдек, тинимсиз изланишлар орқали удалашга ҳаракат қиламан.

— 2004—2005 ўқув йилини пухта ҳозирлик билан бошладик, — дейди мактаб раҳбарининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Хилола Раҳимова. — Ўқув

Тарих институти олимлари иштирокида уюшқоқлик билан ўтказдик. Йиғилишлар семинар-тренинг шаклида 8 та йўналишда олиб борилди. Шўьбалардан бирини мактабимиз раҳбари Мавжуда Воҳидова бошқарди. У ўз чиқишини, Мустақиллик дарсини зўр ва кўтаринки руҳда ташкил этиш зарур, деган таъкид билан бошлади ва иштирок-

Аммо ютуқларимизга, келажакимизга чанг солишга интилаётган қора кучлар ҳам борлиги, уларга қарши курашиш зарурлиги, мустақилликни асраш муқаддас бурч эканлиги, уни ўғил-қизлар онгига янги педагогик технологиялар асосида сингдириш лозимлиги тилга олинди.

... Юрт ишқида ёнмас юрак — юрак эмас,

Юрт қадрини билмаганлар керак эмас.

Эрка сажда қилмаганлар керак эмас —

Фидойилар керак бизга, фидойилар...

### Qutlug' ostona

чиларнинг бу йўналишдаги изланишлари билан қизикди. Айтиш жоизки,



йили аввалида мактабимизда Тошкент шаҳар тарих ва ҳуқуқ фанлари ўқитувчиларининг аънавий август кенгаши шўьба йиғилишларини РТМ ходимлари ва ТШХТХҚТ-МОИ ходимлари, ЎзФА

"Фидойилар керак бизга, фидойилар!" мавзусидаги дарс, муаллимнинг дарс ўтиш усули, очиги, кўпчиликка маъқул бўлди. Дарсда Ватанимизда ўн уч йил мобайнида қилинган ишларга назар ташланди.

шеъри ўқилди ва Мустақиллик дарси моҳияти тўла очилди. Энг муҳими, бугун ҳам барча дарслар ўзига хос янгиликларга бой тарзда ўтказилди.

Бу фикрни очик дарсларда иштирок этган ту-

ошириш ўқув йили кутлуг фикрлар, пок ниятлар, чуқур изланишлар билан бошланаётгани барчага хушнудлик бағишляпти.

**Қ.МАТҚУРБОНОВ**  
**Б.РИЗОКУЛОВ олган**  
**суратлар.**

## БОЛАЖОНЛАР ҚУВОНЧИ ЧЕКСИЗ



Мана юртимизда қўшалоқ байрам, ҳамма шод. Айниқса, ўқувчилар қувончининг чеки йўқ. Чунки истиқлол байрами 2 сентябрь Билимлар кунига айланиб кетади. Бундай улуғ кунларда Ҳамза туманидаги 227-мактабда ҳам "Биринчи кўнғироқ" тадбири ўзига хос тарзда ўтказилди. Гап шундаки, болажонлар қувончига юздан ортиқ меҳмонлар — ота-оналар, маҳалла қўмитаси аъзолари, туман ҳокимлиги, ТТБ ходимлари шерик бўлишди. Муҳими улар биргаликда Ватан ҳақидаги қўшиқ — мадҳияга жўр бўлишди.

Тадбир якунида устозлар ўқувчиларни илиқ сўзлар билан қаршиладилар ва "Мустақиллик — олий неъмат" мавзусидаги очик дарсга олиб кирдилар. Хуллас, бу тадбир барча-барчага завқу-шавқ бағишляди.

**Дилрабо ЭЛМУРОДОВА**

Суратда: "Биринчи кўнғироқ" тадбиридан лавҳалар акс этган.

Мана, 13 йилдирки, мамлакатимизда янги ўқув йилининг илк куни боқий ва улуғвор аъналар қаторида тантана қилиб келинмоқда. Андижон вилоятининг барча таълим масканларида ҳам ушбу кун Билимлар кунига ҳамда истиқлол дарслари ўтиладиган кутлуг айём сифатида кенг нишонланди.

Олтинқўл туманидаги 25-мактаб ўқувчилари, ўқитувчилар жамоаси ҳамда ота-оналар бу йилги ўқув йи-

капитал таъмирдан чиқарилди. Мазкур ишлар учун бюджетдан 40 миллион сўмлик маблағ ажратилди. Айни пайтда ушбу маскан таниб бўлмайдиган даражада ўзгарди. Синф хоналаридан тартиб иситиш тармоқларигача, бино томи, спорт майдонлари тўла таъмирланди. Янги ўқув қуроллари, жиҳозларни айтмай-сизми?..

Янги қиёфа касб этган мактабда бўлиб ўтган янги ўқув йилига ба-

## БОҚИЙ АНЪАНАЛАР ДАВОМ ЭТЛАДИ

лини ажиб шоду хуррамлик, ўзгача шуқуқ билан қарши олдилар.

Юртбошимизнинг шу йил, 21 майдаги "2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида"ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг бу борада қабул қилган қарорига мувофиқ ушбу мактаб ҳам

гишланган тантананда вилоят ҳокими С.Бегалиев, республика Маънавият ва маърифат Маркази раҳбари Қ.Аъзамов, республика енгил саноат вазири А.Баҳромовлар иштирок этиб, ўқувчи ва ўқитувчиларни янги ўқув йили билан самимий кутладилар.

**О. СИДДИҚОВ**

# МУСТАҚИЛЛИК ТАРИХ САҲИФАЛАРИДА

Мана, ўн уч йилдирки, бу қутлуг кунни энг улуг байрам сифатида нишонлаймиз. Мустақиллик деб аталган бу байрам ҳар йили хонадонларимизга ўзгача бир шуқуҳ, ўзгача бир файз билан кириб келади. Бу буюк неъмат қалбларимизни ғурур, фахр ва ифтихор туйғуларига чулғайди.

Бутун вужудимиз билан бахту саодат ҳисларидан баҳраманд бўлиб Оллоҳга шукроналар айтаемиз. Бу ёруғ кунларга етиш насиб этганлигидан чексиз қувонаемиз.

Ана шундай қутлуг лаҳзаларда кўз ўнгимиздан тарих учун қисқа муддат бўлган 13 йил кино лентасидек ўта бошлайди. Бунёд этилган энг замонавий йирик корхоналар, мактаблар, музейлар, темир йўллар, кўприклар — буларнинг ҳар бири ҳақида алоҳида-алоҳида китоб ёзсанг арзийди.

Мустақиллигимизни мустаҳкамлашга, мамлакатимизнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий қудратини янада оширишга хизмат қилаётган бундай ҳайратли иншоотлар билан қувонмай бўладими, ахир?!

Албатта, бу эзгу ва улугвор ишлар Юртбошимизнинг ташаббус ва саъй-ҳаракатлари билан амалга оширила-

ётганлигини ҳамда уларда ақл-заковатли халқимизнинг шарафли меҳнати борлигини ўйлаганимизда, шодлигимиз яна ҳам ортади.

Бугун Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Ўзбекистон тарихи давлат музейига ташриф буюрган ҳар бир юртдошимизни ана шундай ширин ўйлар оғушида кўриб, мустақиллик ҳақида тўлиб-тошиб сўзлаётганликларини эшитганимизда қувончингга яна қувонч қўшилади. Дарҳақиқат, музейнинг "Ўзбекистон мустақиллик йилларида" бўлими экспозициясини жуда катта қизиқиш ва меҳр билан томоша қилаётган каттаю кичик ўтган ўн уч йил давомида эришган ютуқларимизни кўриб қалблари ғурурга тўлганлигини баралла айтмоқдалар.

"Озод ва обод Ватан" деб номланган ушбу бўлимдан жой олган экспонат ва суратлар мамлакатимизнинг иқтисодиёт,

фан, маданият, санъат, спорт, тиббиёт ва бошқа соҳаларида эришган улкан ютуқларини ёрқин кўрсатиб турибди.

Ватанимиз равнақи ва халқимиз фаровонлиги йўлида ўтказилаётган ислохотлар тўғрисида ҳикоя қилувчи тасвирий воситалар дилларни яйратибгина қолмай, яратувчанлик руҳи билан яшайётган юртдошларимизни янги янги зафарларга ҳам илҳомлантирмақда. Айни пайтда улар мустақилликнинг қадрига етиш, уни эъозлаш, кўз қорачигидек асраш, бунинг учун эса, энг аввал, тинчликни мустаҳкамлаш зарурлигини, муқаддас Ватанимизни ҳушёр бўлиб қўриқлашимизни чуқур ҳис этаётганликларини билдирмоқдалар. Уларнинг эртанги кунга — Ўзбекистоннинг келажаги буюклигига бўлган ишончи қатъийлигини юзу кўзларида ёлқинланиб турган секинч белгилари яққол кўрсатиб турибди.

**Faxr**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2004—2008 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармойишидан келиб чиққан ҳолда мактаб биология ўқув фани самарадорлигини ошириш мақсадида бир қанча ишлар амалга оширилди.

Авалло олимлар, методистлар ва мактаб ўқитувчилари иштирокида "Биологиядан давлат таълим стандарти" атрофлича муҳокама қилинди ва унга бир қанча муҳим ўзгаришлар киритилди. Хусусан, ўқувчилар ўзлаштиришлари шарт бўлган билим, кўникма, малакалар янада аниқлаштирилди ва тўлдирилди. Умумий ўрта таълим мактаблари учун биология таълим стандартида келтирилган кўрсаткич ва талаблар мактаб биология таълим мазмунини тўлиқ қамраб олади ва ўқувчиларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар билан белгиланади. Биология таълими вазифалари нуқтаи назардан таълим мазмунининг мураккаблигини минималлаштириш, бир бутунликни, системалиликни, узлуксизлик ва ўзаро боғлиқликни сақлаган ҳолда олиб борилади. Умумий ўрта таълим мактаблари учун белгиланган кўрсаткич ва талаблар келгусида академик лицей ва касб-хунар коллежларида биологиядан ўқувчиларга чуқур билим берилишини кўзда тутди.

Илгариги қабул қилинган биология давлат таълим стандартидан фарқли равишда ҳозирги такомиллаштирилган биология таълим стандартида таълим мазмунининг негизи синфлар бўйича, яъни 5, 6, 7, 8, 9-синфлар алоҳида-алоҳида берилди. Бу биология давлат таълим стандартини ҳаётга татбиқ этишда ўқитувчилар учун бир қанча қулайлик туғдиради.

Синфлар бўйича берилган таълим мазмунининг негизига асосланган ҳолда таълим стандартида ўқувчилар билимига бўлган асосий талаблар ёритилганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Шу билан бирга биология бўйича давлат таълим стандарти талабларини назарда тутган ҳолда биология ўқувчилар дастурига ҳам тегишли ўзгаришлар киритилди.

Маълумки, илгариги биология ўқув дастурида ботаника учун 88 соат, зоология учун 82 соат вақт ажратилган ва ботаникани 5—6, зоологияни 6—7-синфларда ўқитиш режалаштирилган эди. Кейинчалик ҳар бир синф учун алоҳида дарслик бўлиши кераклиги инобатга олиниб, Халқ таълими вазирлиги ботаника учун 102 соат, зоология учун 68 соат ажратилиш лозимлиги ҳақида кўрсатма берди. Шуни эътиборга олиб, 5—6-синф ботаника ўқув дастурида асосий мавзулар сақланган ҳолда "Гул" бобига 2 соат, "Мева ва уруғлар" бобига 2 соат, икки уруғпаллали ўсимликлар синфидан "Зирадошлар" оиласига 1 соат, бир уруғпаллали ўсимликлар синфидан "Пиёздошлар" оиласига 1 соат қўшиб берилди. "Ўсимликлар ва атроф-муҳит" бо-

бига икки соат ажратилди. Бактериялар, замбуруғлар, лишайниклар мавзуси билан дастлабки танишиш учун 3 соат вақт берилди.

"Ўзбекистонда ботаника фанининг ривожланиши" 6-синфдан 5-синфга кўчирилди. У "Кириш"дан сўнг ўтилиши керак, 5-синф ўқув дастуридаги "Ўсимликларнинг вегетатив кўпайиши" 6-синф ўқув дастурига ўтказилди.

Энди табиий савол туғилади: зоология ўқув дастуридаги 82 соат ўрнига 68 соат вақт ажратилиши натижасида қандай ўзгаришлар юзага келди, ёнги қандай ўқув материаллари қисқартирилди?

Сирасини айтганда, эндиликда ўқув дастуридаги гидранинг ташқи ва ички тузилишига оид матннинг қисқариши ҳисобига гидра, полипларга 2 соат эмас, бир соат ажратилади. Ясси чувалчанглар типидеги сўргиччилар ва тасмасипон чувалчанглар синфларида тегишли ўқув материаллар мазмуни

уларнинг аҳамияти мавзуси қисқартирилиб, "Хордалилар типининг кириш қисмига киритилди. Хайвонларнинг яшаш муҳитига мосланиши, хайвонот дунёсини муҳофаза қилиш мавзулари қисқартирилди.

Одам ва унинг саломатлиги ва 9-синф биология (цитология ва генетика асослари) ўқув фанларининг мазмуни деярли ўзгармасдан қолган бўлса-да, адабиётлар рўйхатида келтирилган даврда наш қилинган янги адабиётлар киритилди. Ўқув дастуридаги ўзгаришларга асосланиб, ботаника, зоология дарсликлари янгидан ёзилди. Одам ва унинг саломатлиги, биология (цитология ва генетика асослари) дарсликларига баъзи бир муҳим ўзгаришлар киритилди.

Қувонарлиси, эндиликда ўқитувчилар дарс беришда фақат ўқувчилар учун мўлжалланган дарсликлар билан чекланмай, методик адабиётларга эга бўладилар. Бунда биз Ж.Толипова, А.Тўхтаев, У.Пратов-

## БИОЛОГИЯ ФАНИНИ ЎҚИТИШ САМАРАДОРЛИГИ ҚАНДАЙ ОШИРИЛАДИ?

қисқартирилиб, 1 соат вақт берилди. Ҳашаротлар синфига тегишли ўқув материаллар 2 соатга қисқартирилди, яъни улар 8 соат эмас, 6 соатга ўтилади. Балиқлар мавзуси ҳам бир соатга, яъни балиқларнинг табиатда ва инсон ҳаётидаги аҳамиятига тегишли ўқув материаллари, суякли балиқларнинг хилма-хиллиги мавзуси билан бирлаштириш ҳисобига қисқартирилади.

Сувда ҳам қуруқликда яшовчилар синфига сувда ва қуруқликда яшовчиларнинг хилма-хиллиги ва келиб чиқиши мавзуси олдинги параграфга қўшиб берилиши ҳисобига бир соатга қисқартирилди. Судралиб юривчилар синфига оид ўқув материаллар ҳам бир соатга қисқартирилди, яъни судралиб юривчиларнинг келиб чиқиши олдинги мавзу билан бирлаштирилди.

"Қушларнинг келиб чиқиши", "Қушларнинг табиатда ва инсон ҳаётидаги аҳамияти", "Паррандачилик" мавзуларининг айрим материаллари олдинги параграфларга қўшиб берилиши ҳисобига қушлар синфи мавзуси 3 соатга қисқартирилди.

Сут эмизувчилар синфи мавзуси 4 соатга қисқартирилди, ундаги ҳашаротхўрлар, қўлқанотлилар, сут эмизувчиларнинг аҳамияти, сут эмизувчи хайвонларнинг хилма-хиллиги мавзулари қисқартирилиб, уларнинг асосий маълумотлари олдинги параграфлар тарихига киритилди. Товушқонсимонлар ўқув дастуридан чиқарилди. Хордалиларнинг умумий характеристикаси ва

## О'qituvchiga yordam

ка, 7-синф учун чиқарилган зоология дарсликларида ва ўқув-методик қўлланмаларда биология таълим стандартининг ва ўқув дастурининг ўқув-кўникма ва малакаларини таркиб топтириш соҳасидаги талаблари етарлича эътиборга олинмаган. Бу, айниқса, лаборатория ва амалий машғулотларни ўтказишга оид ўқув материалларини дарслиқдан етарлича ўрин олмаганлигида ёрқин намойён бўлади. Шуни эътиборга олиб, биз 5-синф ботаника ўқув дастурида кўрсатилган:

1. Микроскопнинг тузилиши билан умумий танишиш.
2. Пиёз пўсти хужайраларини микроскоп остида кўриш.
3. Илдиз тизимлари билан танишиш.
4. Барглarning нафас олиши ва сув буғлантириши.

нинг таълим жараёнига қай даражада татбиқ этилиши ўқитувчиларнинг касбий ва методик маҳорати, ижодкорлиги, фидойилигига боғлиқ эканлиги тобора аён бўлмоқда.

Давлат тест марказининг 1996—2001 йилларда босилган дидактик материалларида бошқа ўқувчилар каби биология ўқув фани бўйича ўқувчилар билими, кўникма ва малакаларида жузъий камчиликлар борлиги кўрсатиб ўтилган. Низомий номидаги ТДПУ доценти С.Файзуллаев томонидан Тошкент шаҳар ва вилоятининг бир қанча мактабларида олиб борилган кузатишлар ҳам юқоридаги фикрни тасдиқламоқда. Улардан тегишли хулосалар чиқариб, биологиядан бериладиган таълим-тарбия жараёни замон талабларига мос равишда очиб бериш мактаб, академик лицей, касб-хунар коллежларида ишлаётган ҳар бир ўқитувчининг муқаддас бурчи бўлиши керак.

Биринчидан, ўқитувчининг асосий вазифаси ўқув дастурида кўрсатилган биологик таълим олдида турган вазифаларни чуқур англаб олиши ва уларни қандай амалга ошириш кераклиги тўғрисида ўз режасини тузиши ва уни собитқадамлик билан амалга ошириши керак. Бу соҳада унга биологиядан чиқарилган ўқув-методик адабиётлар яқиндан кўмак беради.

Ўқитувчи дарсларни янги педагогик технологиялар асосида ташкил этиши, ўтказиши лозим. Бунда дидактик ўйин, модулли таълим, ҳамкорликда ўқитиш, муаммоли ўқитиш, лойиҳалаш технологиялари қўлдан фойдаланиш замон тақозосидир. Дарс беришда ўқитувчининг фақат репродуктив методлар билан чекланмай, мунозара, машқ, масала ечиш, турли дидактик ўйинларни ўтказиш, дарслик билан мустақил ишлаш каби методлардан кенг фойдаланиши диққат марказида турмоғи лозим.

Биология — тириклик тўғрисидаги фан. Шунга биноан дарсда кўпроқ табиий объектлар, ўсимликлар, хайвонлар, микроорганизмлардан фойдаланиш — улар устида кузатувлар, тажрибалар олиб бориш биологияни ўқитишда устунлик қилмоғи керак. Фақат озғани метод ёки жадваллар орқали ўтказиладиган дарслар ўқувчиларни кўпроқ зериктириб қўяди ва биологияни ўрганишга бўлган улардаги ҳавасни сўндиради.

Ўқитувчи ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргата бориши лозим. Ўқувчилар дарс мавзисига ўқув материалларини таҳлил, синтез, таққослаш, синфлаш, умумлаштириш ва хулоса чиқариш операцияларини эгаллашлари лозим. Хуллас, мазкур вазифаларни амалга ошириш ўқитувчидан доимо изланишларни, ижодкорликни талаб этади.

**А.ҒОҒУРОВ,**  
биология фанлари доктори,  
профессор

# «БОБУРНОМА»ДА БИР СЎЗНИНГ МАЪНО МУНДАРИЖАСИ

Нутқ кўринишларига хослик ёки хосланган кўлмаънолик ҳар бир сўзнинг гапдаги маъноси бўйича алоҳида белгиланади. Демак, нутқ кўринишларида асл сўзнинг дастлабки маъноси эмас, балки гап ичидаги аниқлашган маъноларини аниқлаш лозим бўлади.

Халқимиз маънавий меросининг нодир намунаси бўлган «Бобурнома» асарини таҳлил қилар эканмиз, бир сўз ва унинг луғавий мундарижаси устида тўхталишни мақсад қилиб олдик. Асарда шахслар таърифи ёки воқеалар баёнида «дағдаға» сўзи кўп бора ишлатилган ва бу сўз турли ўринда турлича маъно касб этган.

«Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да «дағдаға» сўзига қуйидагича: 1) «ваҳима ёки шовқин солиб қилинган дўқ, пўписа, қўрқитиш, қўрқитиш учун кўтарилган жанжал»; 2) «ташвиш, безовталик, уриниш»; каби таърифлар берилган. («Ўзбек тилининг изоҳли луғати», 1-жид, 216-бет).

Асарда қўлланган «дағдаға» сўзи, юқоридаги изоҳлардан ташқари «ҳавас», «мақсад», «истак», «сиёсат», «хоҳиш»,

«санъат», «қўрқув», «хавф», «ҳадик» каби маъноларда ишлатилганки, бу маънолар айнан ўша «дағдаға» сўзнинг устқурмаси сифатида келган. Яъни, «дағдаға» сўзи ўзининг туб маъносини сақлаб қолгани ҳолда келтириб ўтилган сўзларда акс этган маъно бўёқлари ўша сўзнинг устқурмаси вазифасини бажариб, ўша маъноларга эътиборни қаратишга хизмат қилган.

Масалан: «Ироқ дағдағаси била Кобулни ташлаб... («Бобурнома», 148-бет) гапида Ироқни забт этиш ҳавасида Кобулни тарк этиш маъноси ишлатилган бўлса, «Филжини чопмоқ дағдағаси била Филжини қўлга киритиш мақсадида маъносини беради. «Чун Умаршайх мирзо балад ҳимматлик ва улуг доиялик подшоҳ эрди. Ҳамиша мулқирлик дағдағаси бор эди». (9-бет) таърифида эса Умаршайх мирзонинг мулқирлик сиёсати устуворлигини аниқлади. Шунингдек, «Чун салтанат дағдағаси ва мулқирлик доияси бор» (52-бет), ёки «Мўғулистон ва Тўрфонга борғонда худ ҳеч монё ва дағдағаси қолмас» (92-93-бет-

лар) каби Бобурнинг ўз ҳолатини билдирувчи гапларида санъати, ҳадиғи маъноларида қўлланган.

Маънонинг нутқ кўринишига хосланиши стилистик бўёқ билан ҳам боғлиқлиги маълум бўлади, чунки нутқнинг бирор кўринишига хосланган маъно нутқ кўринишига хосланмаган маънодан стилистик бўёғи билан ажралиб туради. Стилистик бўёқнинг ифодаланиши маънонинг нутқ кўринишига хосланганлиги билан бирга, унинг маъно мундарижасига ҳам маълум даражада боғлиқ бўлади.

Масалан: «Бу жиҳаттин мўғуллар ўзларига дағдаға ва таваҳҳум йўл бериб... Ўзганд тарафига кўчуб Танбалға киши йибордилар» (60-бет), гапидаги дағдаға сўзида мўғулларнинг ўзларига ўзлари қўрқув солганлиги ифодаланса, «Ўлим дағдағаси хотирдин рафъ бўлди...» (86-бет) жумласида эса хавф маъносини кўлланган.

Юқорида келтирилган мисоллардан маълум бўладики, нутқ кўринишларидан бирига хосланган маънони бошқа нутқ кўринишига кўчирганда ҳам унинг

маъно мундарижасида ўзгариш содир бўлади.

Стилистик белгиларни маъно мундарижасига боғлиқ ҳолда кузатиш қуйидаги хулосаларга олиб келади:

а) ҳар бир маъно (сўз маъноси) нутқдаги вазифаси жиҳатдан маълум тавсияга эга бўлади;

б) маънони бир нутқдаги вазифасидан бошқасига кўчиришда, унинг маънолар таркибида ўзгаришига, аниқланишига эътибор бериш лозим бўлади;

в) маънонинг нутқ кўринишидаги ўзгариши стилистик бўёқнинг ҳам ўзгаришига олиб келади;

г) нутқ кўринишидаги сўз маъносининг асосий (базис) ёки устқурма маънога эга эканлигини ҳисобга олиш муҳимлиги эътироф этилади.

**Солижон ҚУРБОНОВ,**  
Андижон давлат тиллар педагогика  
институтини илмий бўлим мудирини,  
филология фанлари докторини,  
Хурмаат ТОЖИБОЕВ,  
ўқув бўлими бошлиғини,  
катта ўқитувчинини

Бу кашфиёт XVI асрда юз берган бўлса ҳам унинг илдизлари Ўрта асрлар ва қадимги даврга бориб тақалади. Аслида инсониятада тафаккур куртак отибдики, у ўз атрофидаги дунёнинг қандай тузилганини тўғрисида бош қотирган. У ҳар куни эрталаб кўёш чиқаётгани, кечда эса ботаётганини кузатган. Ва кўёш ер атрофида айланади, деган хулоса чиқарган. Унинг тўғрилиғига қадимги дунёдаёқ шубҳа тутилган бўлса ҳам, нутққўрилиги фақат XVI асрда исботланди. Минглаб йиллар давомида деярли бутун инсоният томонидан тўғри деб ҳисобланган қарашнинг нотўғрилигини Николай Коперник содда йўл билан жуда ишонarli қилиб исботлаб берди.

Гелиоцентрик тизим Коперник томонидан кашф этилганини кўпчилик билса ҳам, лекин уни қандай қилиб исботлаганидан ҳамма ҳам хабардор эмас. Шу боис мазкур масалага қисқача тўхталамиз.

Геоцентрик тизимнинг марказида, номидан ҳам кўриниб турганидек, Ер жойлашган эди. Заминда яшаётган одам самовий жисмларни кузатганда ҳақиқатан ҳам ер оламнинг марказида жойлашгандай кўринади. Самовий жисмларгача масофани ҳам муайян аниқликда ҳисоблаб чиқиш мумкин эди. Бироқ, бу масофани Ердан туриб ҳисоблашда жиддий муаммолар пайдо бўларди. Уларнинг кўпчилигини геоцентрик тизим ҳукмронлиги даврида ҳал қилиш имконияти йўқ эди.

Коперникнинг энг катта илмий жасорати ва маҳорати шунда бўлдики, у геоцентрик тизимнинг марказини фикран Кўёшга кўчириб кўрди. Шунда ҳамма нарса жой-жойига тушди, аввал ҳал қилиб бўлмайдиган муаммоларнинг ечимини топилди. Сайёралар ўртасидаги масофани аниқлаш имконияти туғилди. Шундан кейин Коперник математик ҳисоб-китоблар йўли билан тизимнинг марказида Ер эмас Кўёш туришини исботлаб берди. Коперник кашфиётининг мухтасар баёни шундан иборатки, бу табиий фанлардан бири — астрономияда янгилик бўлган бўлса ҳам, у давр манзараси ҳақидаги тасаввурларни тубдан ўзгартириб юборди. Натижада одам ўзлигини

ни ва ўзининг дунёдаги ўрнини англагандай бўлди. Авваллари, ўзларини дунёнинг маркази, киндиги, деб билган бўлсалар, энди улар оламдаги жуда кичик бир зарра эканини тушундилар. Шу билан бирга бу кашфиёт асрлар давомида шакллانган қарашлар ва тўпланган тажрибалар ҳақиқий эмаслигини ҳам кўрсатди.

Мақола билан танишаётган ўқувчи, Коперникнинг кашфиёти Шарқ ва Ғарбнинг ўзаро таъсирига, алоқадорлиғига, қолаверса, Иммануил Кант фалсафаси-

Хар қандай фаннинг тарихи шу фанда қилинган кашфиётлар тарихидан иборат. Фаннинг вужудга келиши ва ривожланиши жараёнида кўплаб катта ва кичик кашфиётлар қилинади. Уларнинг кичиклари жамлашиб фан таркибидаги бўш жойларни тўлдирса, улкан кашфиётлар у ёки бу фан ривожига бурилиш нуқтаси бўлган ёки алоҳида даврни бошлаб берган. Улар эса ҳар бир фан тарихида фақат бир неча марта юз беради ҳолос. Оламшумул кашфиётларнинг аҳамияти у ёки бу фан доирасидан чиқиб жамият тарихида муҳим из қолдиради. Ана шундай кашфиётлардан бири, шубҳасиз гелиоцентрик тизимнинг кашф этилиши эди.

## ФАЛСАФАДА КОПЕРНИКОНА ТўНТАРИШ

да қандай акс этганини яхши билмаслиги мумкин.

Биринчи қарашда Коперник кашфиётининг Шарқу Ғарб муносабатлари ва Кант фалсафасига ҳеч қандай алоқаси йўқдай туюлади. Аслида эса ундай эмас.

Табиатшунослик ва фалсафага оид баъзи китобларда Коперник кашфиётининг улкан аҳамиятини илмий тафаккурдаги инқилоб деб атайдилар. Аслида эса бу табиётшуносликдаги тўнтариш эди.

Коперник ўз салафларидан бошқачароқ фикр юритгани тўғри. У бундай фикрлашга ҳаркат қилмаган ёки бошқаларнинг фикрини тафтиш қилмайди, балки уларнинг хулосаларини кузатди ва уларнинг тўғрилигини шубҳаланди. Натижада ўз қарашларининг маҳсули ҳақида китоб ёзди. Коперникнинг асосий асари «Самовий жисмларнинг ҳаракатлари тўғрисида» деб номланади.

Коперник табиётшуносликда қанчалик улкан инқилобни амалга оширган бўлса, Кант бунга фалсафада эришди. Унинг кашфиёти Шарқ ва Ғарб ўртасидаги илмий ва фалсафий алоқаларнинг натижаси эди. Кант фалсафаси Коперник кашфиётининг кучли таъсири натижасида, яъни ернинг шар шаклида эканлиги ва гелиоцентризм ғоясининг Шарқ ва Ғарбда муҳокама қилиниши таъсирида пайдо бўлди.

Ернинг шар шаклида экани ҳақидаги ғоя қадимги даврларда пайдо бўлган эди. Бу ғояни моддийлаштириш, яъни ернинг моддий моделини яратиш фикри эса қадимги юнонистонлик Кратес ва Птолемейларда тутилган эди. Лекин, ер-

яратган глобусда Осиё қитъасининг диаметр бўйлаб қарши-сида яна бир қитъа борлиги башорат қилинган. Бу башоратнинг тўғрилиги орадан 500 йил ўтгач, яъни Колумб томонидан Америка қитъаси кашф қилингач тасдиқланди.

Берунийнинг номаълум қитъа тўғрисидаги фикрларини биз башорат деб атадик. Лекин, унинг ўзи бундай қитъа мавжудлигини Африка соҳилларида денгиз сувининг кўтарилиши ва пасайишини ҳисоблаш орқали билганини баён қилади.

Коперник кашфиёти моҳиятан табиётшуносликдаги инқилоб бўлса ҳам, у фалсафий дунёқарашдаги туб ўзгаришларга тurtки берди. Бу ўзгаришлар илмий адабиётларда фалсафадаги коперникона инқилоб, деб аталса ҳам, аслида унинг муаллифи Коперник эмас, балки буюк немис файласуфи Иммануил Кант эди.

Кантгача фалсафада субъект ва объект муносабатларида объект субъектга таъсир ўтказмади, субъект объектсиз мавжуд эмас, деб ҳисобланарди.

Кант эса объектнинг субъектга таъсирини билиш жараёнининг натижаси деган фундаментал қонунинг асосизлигини исботлаб берди. Унинг талқинида объект субъектга эмас, субъект объектга таъсир ўтказмади. Объект эса субъектга таъсир ўтказмайди, балки унда акс этади. Эпистемологик тасаввурлардаги мана шу силжиш фалсафадаги коперникона тўнтариш деб аталади. У Кантнинг билиш назарияси негизини ташкил қилади.

Субъект ва объект муносабатларининг Кант томонидан қилинган таҳлили кейинроқ, марксистик фалсафада, айниқса Ленин томонидан бузиб кўрсатилди. Ленин ўзининг бир қатор асарларида Кант фалса-

### Fan tarixidan

фасининг баъзи жиҳатларини юқори баҳолаган бўлса ҳам уни субъектив идеалист деб баҳолаган эди. Субъектив идеалист деган ёрлик эса марксизмда ҳақоратомуз ном эди.

Ленин Кантнинг субъект-объект муносабатларига ёндашувини танқид қилар экан, биринчи ўринга объектни қўйди, субъект мавжудлигини унга боғлаб изоҳлади. «Фалсафа дифтарлари» ҳамда «Материализм ва эмпирикритицизм» асарларида у объектнинг субъектсиз ҳам мавжуд бўла олиши, бироқ субъект объектсиз мавжуд бўла олмаслигини қайта-қайта тақдорлади. Бундай ёндашув Кант фалсафасига солиштириб кўрилса олдинга эмас, орқага ташланган қадам эди. Ленин модда ва руҳ муносабатини фалсафанинг бош масаласи деб эълон қилиш билан бирга модданинг бирламчи ва руҳнинг иккиламчилигини ҳам эълон қилди. Бош масалага бундай ёндашувнинг ўзи муаммоли эди. Бу ёндашувни субъект ва объект муносабатларига кўчириш эса мутлақо тескари натижага олиб келди. Гап шундаки, нарса ва объект айнан бир нарса эмас. Ҳар қандай объект нарса экани тўғри, аммо ҳар қандай нарса ҳам объект эмас. Нарса субъектнинг таъсир ёки кузатиш доирасига киргандан кейингина объектга айланади. Шу маънода унинг мавжудлиги субъектга боғлиқ. Нарсанинг мавжудлиги эса руҳга боғлиқ эмас.

Шундай қилиб гелиоцентрик тизим ғояси Шарқда ҳам Ғарбда ҳам кенг муҳокама қилинган. Бу тизим таркибида муҳим ўрин тутувчи ғоя — Ернинг шар шаклида эканлиги ғояси Беруний томонидан исботланган ва моддий буюм — глобусда ифодаланган бўлса, тизимда ифодаланган бўлса, тизимда иккинчи муҳим ғоя — гелиоцентризм Коперник томонидан исботланди. Бу икки муҳим кашфиётдан муҳим фалсафий хулоса чиқарган олим эса буюк немис файласуфи Иммануил Кант эди.

**Абдуллажон БЕГМАТОВ,**  
профессор



Самарқандда ҳар бир қадимий мавзе ва кўча, ҳар бир меъморий ёдгорлик ва юз йиллик дарахтлар тарихи ривоятлар билан боғланган. Улар қадимиятдан ҳикоя қилади.

Афсоналарга кўра, шаҳар ака-ука Самар ва Қамар томонидан барпо этилган. Бу афсона ака-ука Ромул ва Рем томонидан Римга асос солинганлиги тўғрисидаги ривоятга ўхшаб кетади. Тарихда Турон шоҳи Афросиёб ҳамда шоҳ Кайковус Самарқанднинг асосчилари қаторида қайд қилинади. Мазкур шоҳларнинг исмлари «Авесто»нинг милoddан аввалги IX—VIII асрларга оид қисмларида учрайди.

Қадимда ва ўрта асрларда кўплаб тарихчилар шаҳарга асос солинган вақтни аниқлашга ҳамда унинг номи-нинг келиб чиқишини тушунтиришга уринганлар. Насафийнинг ёзишича, араблар Мовароуннаҳрда пайдо бўлган пайтда Самарқанд ўзининг 2500 йиллик тарихига эга бўлган. Беруний ва Маҳмуд Қошғарий Самарқандни «Семизкент» — «Бой шаҳар» деб атаганлар. Хитой манбаларида ҳам шу ном қайд қилинади. Самарқанднинг қадимий ўтмиши ҳақида Клавио ва Бобур ҳам ёзиб қолдиришган.

Сўғд тилида шаҳарнинг номи «Смараканса» ёки «Смараканда» шаклида берилиб, «учрашув, йиғилиш жойи» маъноларини англатади. Қадимги юнонлар ва римликлар Самарқандни Мароқанда деб аташган.

Ўзбекистон мустақиллиги йилларида Самарқанднинг қадимий шаҳар харобаси — Афросиёбда кенг археологик тадқиқотлар олиб борилди. Унда Франция олимлари ҳам иштирок этдилар. Янги археологик ашёлар ва топилмалар, шаҳар ёшини аниқлашнинг янги усуллари олимларнинг Самарқанднинг тарихи 2750 йилдан кам эмас, дея хулоса қилишларига имкон берди. Самарқанд дунёнинг энг қадимги шаҳарларидан биридир. Нафақат археология маълумотлари, балки ёзма манбалар ҳам шундан гувоҳлик беради.

Милoddан аввалги VII асрдан бошлаб Самарқанд Сўғдиённинг маркази, сўнгра эса турли қадимги ва ўрта аср сулолалари давлатининг пойтахти бўлган. Самарқанд айниқса XIV—XV асрларда Амир Темур ва Темурийлар давлатининг пойтахти сифатида шўҳрат топган.

Самарқанд шаҳрининг шундай қадимги замонларда вужудга келиши тасодифий ҳол бўлмаган. Зарафшон водийсининг серҳосил далалари ва илиқ иқлими қадим-қадим замонлардаёқ инсонларнинг бу ерда ўтроқ ҳаёт кечиришларига имкон яратган.

Бундан 4—5 минг йиллар аввал дарё ҳавзасининг ҳосилдор воҳаларида деҳқончилик маданияти ривож топган. Мазкур цивилизация Нил водийсидаги, Дажла ва Фрот дарёлари оралиғидаги, Ҳинд, Хуанхэ ҳамда Янцзи водийларидаги машҳур цивилизациялар билан тенгдош бўлган. Хўжаликнинг ишлаб чиқариш шакли, хунармандчилик ва савдо Зарафшон водийсида илк шаҳар маданиятининг шаклланиши учун асос бўлган.

Ўтган асрлардаги ёзма манбалар Самарқандни катта ва бой шаҳар, унинг аҳолисини эса меҳнатсевар ва ишбилармон дея таърифлайди. Самарқандликлар бунёдкорликка ва эзгуликка интилишлари билан ажралиб туришган. Тарихнинг фожеали даврларида улар ўз ерларини душмандан ҳимоя қилиб, босқинчилар билан мардларча курашганлар.

Милoddан аввалги 329 йилда Мароқанда музофотидаги жангда юнон — македон армияси қисмлари узил-кесил мағлубиятга учраган. Бу Шарқдаги кўплаб мамлакатлар ва халқларни истило қилган македониялик Александр қўшинининг дастлабки мағлубияти эди. Рим тарихчиси Курций Руф шундай ёзади: «Ушбу жангда 2000 та пиёда ва 300 та суворий ҳалок бўлди. Александр жанггоҳдан омон қайтган ўз аскарларини ўлим жазоси билан кўрқитиб, бу мағлубият ҳақидаги хабарни эҳтиётлик билан сир сақлади...».

Самарқанд Буюк ипак йўлидаги йирик савдо маркази сифатида Шарқда кенг шўҳрат қозонди. Эрамининг биринчи асрларидан бошлаб самарқандликлар Буюк ипак йўли-

ган, янгидан ташкил топган баъзи манзилгоҳларни самарқандликлар «Самарқандак», яъни «Кичик Самарқанд» деб атаганлар.

VI аср бошларига оид Хитой манбасида Самарқандда болаларни беш ёшидан бошлаб ёзувга ўргата бошлаганлари хусусида маълумот бор. Шундан кейин уларни ҳисобга ўргатганлар. Шу тариқа болаларни ёзишга, ўқишга, ҳисобга ҳамда оддий арифметик масалаларни ечишга ўргатишган. Шу билан бирга мирзадабирлар тайёрловчи махсус мактаблар ҳам бўлган. Буларнинг бари саводхонликнинг юқори даражасидан далолат беради.

Мактабларда нафақат она тили, балки чет тиллари ҳам ўргатилган. Буддавий адабиётларининг дастлаб-

ни мусиқаси» сақланиб қолган. Маданий алоқалар Хитойга бу ерда илгари номаълум бўлган мусиқа асбоблари — чилтор, уд ва найнинг ёйилишига сабаб бўлган. Вақт ўтиши билан Хитой мусиқаси ўз оҳанги ва бир қатор мусиқа маданияти элементларига кўра, Ўрта Осиё мусиқасига ўхшаш бўлиб қолган.

XI—XII асрларда Самарқанд Шарқнинг энг йирик шаҳарларидан бирига айланди. Унинг аҳолисининг сони 200 минг кишига етади. Римни истисно қилганда, ўша даврларда ўз эгаллаган майдони ва аҳолисининг сони жиҳатидан Ғарбий Европанинг бирорта ҳам шаҳри Самарқандга тенглаша олмас эди. Ҳаттоки, Дамашқ ва Қуддус сингари Шарқнинг машҳур шаҳарлари ҳам бу жиҳатдан ундан ортда қоларди.

Ўрта асрлардаги Самарқанд мудофаа деворлари билан мустаҳкамланган ҳамда 12 та дарвозага эга эди. Улардан марказий кўчалар бошланарди. Кўчаларга тош қопламалар ётқизилган эди. Шаҳарликлар сув таъминотига катта эътибор беришган. Самарқандда кўрғошин ва сопол қувурлар орқали ўтказилган сув тармоғи, ҳовуз ва анҳорлар мавжуд эди. Улар аҳолини ичимлик суви билан таъминлаган.

Марказий ҳовузлар атрофида кичик боғлар барпо қилинган эди. Одамлар ўз ҳовлилари ва даҳалардаги кўчаларнинг тозалигини назорат қилиб борардилар. Шунингдек, Самарқанд атрофларида ҳам кўплаб боғлар ва анҳорлар мавжуд эди. Шаҳар ўзининг хунарманд усталари ва улар томонидан ясалган буюмлари билан шўҳрат қозонган. Самарқанднинг сопол идишлари, шишаси, қоғози, қуроллари ва газламаларига Шарқнинг турли мамлакат ва шаҳарларидаги-бозорларда талаб ҳозирда ҳам катта.

Ўрта асрларда Самарқанд йирик илмий ва маданий марказ бўлган. Бу ерда машҳур олимлар, шоирлар, мусаввирлар ва мусиқачилар илмий ва адабий муҳофазасига йиғилиб турардилар.

1220 йили мўғуллар Самарқандни ҳужум билан эгалладилар, уни талон-тарож ва вайрон қилдилар. Шаҳар аҳолисининг катта қисми ҳалок бўлди. 30 мингта хунарманд асир қилиб олинди. Самарқанд ҳимоячиларининг сўнги мингта яқини шаҳарнинг жомъе масжидига жойлашиб олиб, мардларча мудофаани давом эттирдилар. Мўғулларнинг маҷитни ҳужум билан қўлга олиш учун қилган барча уринишлари зое кетди. Шунда босқинчилар маҷитга ўт қўйдилар. Аммо жасур самарқандликлар қилт этмадилар ва душманга таслим бўлмадилар. Улар тутқунликдан ўлимни афзал билиб, ёнаётган маҷитда қолдилар. Кўплаб ўн йилликлар мобайнида шаҳар харобазорга айланиб ётди. Мўғуллар босқинидан 150 йил ўтиб, Амир Темур Самарқанднинг мудофаа деворларини қайта тиклади. Шаҳар тарихида унинг равнақи билан боғлиқ янги давр бошланди. Бу энди алоҳида ҳикоя мавзуси.

Биз қадимий шаҳар тарихига алоқадор баъзи воқеаларни ҳикоя қилдик, холос. Улар ва бошқа фактлар шаҳарнинг Ўзбекистон тарихидаги муҳим ролидан ҳамда Самарқанднинг жаҳон цивилизацияси тараққиётига қўшган улкан ҳиссасидан далолат беради.

А.САГДУЛЛАЕВ,  
тарих фанлари доктори




нинг шарқий тармоғида қизғин фаолиятни йўлга қўйдилар. Улар Етти-сув ва Шарқий Туркистонда кўплаб савдо манзилгоҳ—маконларига асос солдилар. Бу ердан улар Дуньхуан шаҳрига, сўнгра эса Мўғулистон ва Жанубий Сибирь худудларигача етиб бордилар. Ватандан олисда жойлаш-




ки таржимаси сўғдийлар томонидан амалга оширилган.

VII—VIII асрларда Хитойда Чоч, Самарқанд ва Бухоро мусиқачилари ҳамда раққосалари катта эътибор қозонган. Баъзи мусиқа асарлари ва рақсларнинг номлари, масалан, «Қишки сув сепиш рақси», «Тўп ўйи-

Барча юртдошларимизни  
Ватанимиз мустақиллигининг  
13 йиллик тўйи ҳамда Шарқ гавҳари  
Самарқандда бошланган  
“Универсиада – 2004” Республика  
талаба-ёшларининг спорт анжумани  
билан самимий қутлаймиз!  
Беллашувларда барчага  
омад ва зафарлар тилаймиз!



**Тошкент давлат  
иқтисодиёт университети  
профессор-ўқитувчилар  
жамоаси ва талабалари**



**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ИНСТИТУТИ**

ректорати, профессор-ўқитувчилар жамоаси ва талабалари барча юртдошларимизни мамлакатимиз мустақиллигининг 13 ўимлик тўйи билан самимий муборакбод этади!

Самарқанд шаҳрида бошланган “Универсиада—2004” республика талаба-ёшларининг спорт анжумани қатнашчилари, ушбу шодиёнага ташриф буюрган азиз меҳмонлар, жонкуяр мураббийлар, барчангизни катта спорт айёми билан қутлаймиз!

Ўзбекистоннинг фахри ва келажаги бўлган ёшлар!  
Беллашувларда барчангизга ҳалоллик, тантлилик,  
мardлик ўўлдош бўлсин!



**БАРКАМОЛ АВЛОД — ВАТАН ТАЯНЧИ!**

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

ректорати, кўп сонли профессор-ўқитувчилар жамоаси Ўзбекистон халқини, барча таълим муассасаларида меҳнат қилаётган қалби



дарё устозларни Ватанимиз мустақиллигининг 13 йиллиги тантанаси, янги 2004-2005 ўқув йили билан қизгин қутлайди. Қўшалок байрам шукуҳи ҳукмрон бўлган шу кунларда қадимий ва ҳамisha навқирон Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтадиган “Универсиада—2004” спартакиадаси иштирокчиларини гўзаллик, саломатлик, камолот байрами билан ҳам қизгин муборакбод этамиз. Барчамизга аёнки, спорт шахсни соғлом қилувчи, юксалтирувчи, умрига умр қўшувчи, қолаверса, ҳар бир давлатнинг халқаро доирадаги обрў-эътиборини ҳар томонлама оширувчи воситадир. Шундай экан, спорт билан дўстлашаётган Ўзбекистоннинг минглаб ёшларини ёрқин келажак кутади. Азиз спортсевар йигит-қизлар! Уларни голиблик шоҳсупасига олиб чиқиш учун интилаётган муҳтарам мураббийлар! Сизларга омад ва бахт кулиб боқишига тилакдошмиз.



1 сентябрь куни Россиянинг ҳамма мактабида янги ўқув йили бошланиши муносабати билан катта тантаналар қилинаётган эди. Миллионлаб ўғил-қизлар ва уларнинг ота-оналари шу куни кўтаринки кайфиятда мактабларга йўл олган эдилар.



Ана шу куни эрталаб Шимолий Осетиянинг Беслан шаҳарчасидаги ўрта мактабга йиғилган ўқитувчилар, ўқувчилар ва ота-оналар бир гуруҳ террорчилар томонидан гаровга олинди. Ўша куни гаровга 354 нафарга яқин киши олинган, уларнинг 200 дан кўпроғи болалар дея манбалар қайд этган эди. Кеча 26 нафар болали аёллар озод этилди ва уларнинг гапига қараганда, гаровга олинганлар 2 сентябрь куни айрилганидек 354 нафар эмас, балки 1000 кишидан кўпроқни ташкил қилади.

Маълумотларга қараганда, ниқоб кийган йигирмага яқин кўпоровчи (орасида аёллар ҳам бор) болалар ва уларнинг ота-оналарини мактабнинг спорт залига қамаб, бино атрофини миналаштириб чиққан. Шимолий Осетия ички ишлар вазирлигининг билдиришича, террорчиларнинг мактабга ҳужуми пайтида 12 киши ҳалок бўлган. Гаровга олинганлар орасида туман газетасининг муҳбири Фатима Аликова ҳамда телеоператор Карен Зайцевлар ҳам бор. Улар мактабга билимлар куни ҳақида мақола ва лавҳа тайёрлаш учун келишганди.

Террорнинг биринчи куни террорчилар ҳукуват вакиллари билан мунтазам алоқада бўлишни истамади. Шунинг учун гаровдагиларга озик-овқат, дори-дармон ва ичимлик суви етказиб беришнинг иложи бўлмади. Яна улар ҳар бир ўлдирилган жангари учун 50 нафар, ҳар бир ярадор жангари учун 20 нафар гаровга олинган одам ўлдирилиши ҳақида таҳдид солишди.

Дастлаб ўз талабларини баён қилмаган террорчилар сўнгра Чеченистонда жойлаштирилган Россия ҳарбийларининг олиб чиқилиши ва шу йил июн ойида Ингушетияга уюштирилган ҳужумдан сўнг ҳибсга олинганларнинг озод этилишини

каралар олиб бориш штабининг раиси Лев Зугаев НТВ муҳбирига «улар гаровдаги мактаб хиёбони ва Беслан маданият уйига қарата ўқ отишди. Жангарилар бу билан бизда ҳам етарлича қурол-ярроғ бор, демокчи бўляпти», дея интервью берди. Зугаев яна шуни маълум қилдики, токи жангарилар билан мулоқот олиб бориб, гаровдагиларни озод қилиш имконияти бор экан, бино ҳозирча ишғол қилинмай турилади. Гаровдагиларни озод қилишнинг ҳамма имкониятларидан фойдаланамиз, деди Зугаев.

Жангарилар биринчи куни фақат Шимолий Осетия ҳамда Ингушетия раҳбари-

Газета саҳифаланаётганда Lenta.ru, Newsru.com дан олинган сўнги маълумотларга қараганда, гаровга олинганларни кутқариш операцияси чоғида юзга яқин киши қурбон бўлган, 344 нафар киши турли даражадаги тан жароҳатлари олган. Таҳминларга қараганда, қурбон бўлганлар сони яна юздан ортиши мумкин. Жангариларнинг бир қисми воқеа жойидан қочишга улгурган. Уларни қўлга олиш жараёни давом этмоқда.



## БЕСЛАНДАГИ НОХУШ ВОҚЕА

талаб қилишди.

Россия президенти Владимир Путин дам олишни тўхтатиб, Сочидан Москвага келди. У Туркияга бўладиган сафарини шу муносабат билан қолдирди.

Ўша куни Россия ички ишлар вазири Рашид Нургалиев, федерал хавфсизлик хизмати раҳбари Николай Патрушев Шимолий Осетияга, яъни Бесланга жўнаб кетди.

Жангарилар аввал икки Туркия фуқароси 41 ёшли Анета Гадиева (Доган) ҳамда унинг бир ёшли қизалоғи Милена Гадиеванни озод қилди. Доганларнинг 8 ёшли катта қизи Алана жангарилар қўлида қолди. Шунингдек, гаровда яна Грузия ҳамда Арманистон фуқаролари ҳам борлиги айтилмоқда.

3 сентябрь куни мактаб биносидан икки марта ўқ овози эшитилган, яъни автоматдан ўқ узилган. Жангарилар билан музо-

юти ҳамда болалар шифокори Леонид Рошаль билан музокаралар олиб боришни хошлашганди. Леонид Рошаль телефон орқали музокарага киришгач, ўзини тоғлик Шайх деб таништирган киши билан болаларга озик-овқат, ичимлик суви ва дори-дармонлар киргазиш ҳақидаги масалада бир тўхтамга келинмаганлигини гапирди.

Мактаб ошхонасидаги озик-овқат захираси тугамокда. Аммо электр энергияси бор, канализация ишлаб турибди.

Пайшанба тунидан эрталабгача жангарилар билан музокаралар ўрнатишга ҳаркат қилинди. Фақатгина жума куни эрталаб, маҳаллий вақт билан 7:30 да бунга эришилди, деб хабар беради «Новости» ахборот агентлиги.

Бесландаги барча мактабларда вақтинча дарслар тўхтатилди.

Сўнги сўз ўрнида шуни айтиш мумкин, террор ўзининг жирканч ва разил қиёфасини кундан-кун кўпроқ намоён этмоқда. Жангарилар ўзларининг манфур қилмишлари билан ҳали она сути оғзидан кетмаган гўдаклар ҳаётини хавф остига қўйиб нимага эришмоқчи бўляптилар? Улар учун бу ёруғ дунёда нахотки, болалар ҳам азиз бўлмай қолган бўлса? Халқимизда ёмоннинг кучи япалоққа етибди, деган гап бор. Террорчиларнинг кучи энди қўлидан ҳеч бир ёмонлик, ёвузлик келмайдиган, дунёни беғубор кўз билан кўрадиган боғаларга етадиган бўлиб қолдими? Бу уларнинг ожизлигида дарак эмасми?

Интернет хабарлари асосида Шарифа МАДРАҲИМОВА тайёрлади.

### САМОЛЁТЛАРДА НАЗОРАТ КУЧАЯДИ

АҚШ транспорт хавфсизлиги бошқармаси россиялик ҳамкасбларига Америка Қўшма Штатларига учадиган самолётларни бир неча бор текшириш ва назоратни кучайтириш ҳақида мурожаат қилишди. Дунё ҳамжамияти яқинда террорчилик ҳуружига учраган икки Россия самолёти ҳалокатидан сўнг ўз фуқаролари ҳаётидан хавфсиз қолди. Чунки ҳалигача портловчи моддалар қай йўл билан самолёт бортига тушиб қолганлиги жавобсиз қолган. Ўз навбатида Россия ҳукумати нафақат АҚШга, балки аэропортдан

учиб кетадиган ҳар қандай самолёт бағажини ва йўловчиларини текшириш даражасини кучайтирди. Эндиликда асосий халқаро аэропортларда искович итлар ва янги русумдаги портловчи модда ва хавфли яроқлар қидирадиган мосламалар ўрнатилди. Бу ҳақида ИТАР-ТАСС агентлиги хабар тарқатди.

### ХАВФЛИ ВИРУС

АҚШда янги туғилган чақалоқларнинг ҳаётига хавф солаётган нотаниш вирус кузатишган. Висконсия штатида жойлашган туғруқхоналарнинг бирида ҳеч қандай сабабсиз уйқу вақтида икки қиз чақалоқ дунёдан кўз юмган. Биринчи бор ушбу вируслар Япония вирусолог олимлари томонидан қайд этилган эди. Ўлим сабабини ўрганиш учун чақалоқларнинг ўпқалари текширилганда шифокорлар олдин таниш бўлмаган касалликка дуч келишди. Олимлар ҳозирча касалликка «тўсатдан гўдакларни ўлимга олиб борадиган синдром» дея ном қўйишди. Фақатгина АҚШнинг ўзида синдром йилига 220 гўдакнинг ҳаётига зомин бўлган.

### БМТ: НОҚОНУНИЙ МАБЛАҒ

БМТ дунёда айланаётган ноқонуний маблағни аниқлади. Унга кўра ҳар йили ер қурсида уюшган жиноий гуруҳлар томонидан ўртача 2 триллион доллар айлантирилади. Бу эса дунё ички ялпи маҳсулотининг 5 фоизини ташкил қилади. Энг катта даромад наркотикларни ишлаб чиқариш ва сотишдан келиб тушади. Сўнги ўринда қурол-ярроғ, кейинги ўринларда контрабанда ва одам савдоси туради. Буларнинг иккисидан жиноий гуруҳлар 300-400 миллиард доллар ноқонуний қора маблағга эга бўладилар. Бироқ шу пулларнинг чамаси ярми турли даражадаги мансабдор шахсларни сотиб олишга сарфланади. Бу ҳақида «Reuters» агентлиги хабар беради.

Интернет манбалари асосида Сарвар САЙЁР ўғли тайёрлади.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги раҳбарияти ва жамоаси Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Г.Калмуратовга падари бузруквори Султамурат отанинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик изҳор қилади.

Республика таълим маркази раҳбарияти ва жамоаси «Математика ва информатика» бўлими бошлиғи Баҳодир Болтаевга акаси

Баҳромжон Жалиловнинг

вафоти муносабати билан таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш институтининг раҳбарияти ва жамоаси «Ўқув меъёрий ҳужжатларни яратиш ва жорий этиш» бўлими мутахассиси Гулбахор Толлиевага отаси

Чори Толлиевнинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик изҳор қилади.

## ЎҚУВ МУАССАСАЛАРИ ХОДИМЛАРИ, КУТУБХОНАЧИЛАР ҲАМДА ОТА-ОНАЛАР ДИҚҚАТИГА!!!

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти томонидан 2004-2005 ўқув йили учун куйидаги дарсликлар чоп этилди:

### Ўзбек мактаблари учун:

1. О.Каримова "Конституция алифбоси" 2-3-4-синф
2. В.Костецкий "Конституция оламига саёҳат" -5-6-7-синф
3. "Жаҳон тарихи" -7-синф
4. "Чизмачилик" -8-синф
5. "Ўзбекистон тарихи" -8-синф
6. "Чизмачилик" -9-синф
7. "Конституциявий ҳуқуқ асослари" 9-синф
8. "Умумий биология" -10-синф
9. "Ҳуқуқшунослик" -10-синф учун
10. Г.Хидоят "Жаҳон тарихи" 10-синф
11. Д.Алимова "Ўзбекистон тарихи" 10-синф
12. "Жаҳон тарихи" -11-синф
13. "Ўзбекистон тарихи" 11-синф
14. "Ҳуқуқшунослик" (кирилл) 10-11-синф
15. "Умумий биология" (кирилл) 10-11-синф

### Рус мактаблари учун:

1. В.Костецкий "Азбука конституции" 2-3-4-класс
2. "Русский язык" 4-класс
3. С.Зинин и др. "Русский язык" 6-класс
4. В.Костецкий "Путишествие в мир конституции" 5-6-7-класс
5. "Литература" 6-класс
6. "Всемирная история" -7-класс
7. "Русский язык" 7-8-класс
8. "История Узбекистана" 8-класс
9. "Основы конституционного права" 9-класс
10. "Общая биология" 10-11 класс
11. "Русский язык" 10-11-класс
12. Коллектив "Правоведение" 10-11 класс
13. Г.Хидоят "Всемирная история" 10-класс
14. "История Узбекистана" 10 класс
15. "Всемирная история" 11-класс
16. "История Узбекистана" 11-класс

Дарсликлар тожик, қозоқ, туркман, қирғиз тилларида ҳам мавжуд. Сиз ушбу дарсликларни ҳамда бадий, иқтисодий ва маърифий мавзудаги, шунингдек, болалар учун нашр этилган янги алифбодаги китобларни «Шарқ зиёкори» китоб дўкони ва унинг вилоятлардаги филиаллари орқали чекланмаган миқдорда нақд ёки пул ўтказиш йўли билан улгуржи харид қилишингиз мумкин. Улгуржи харидорларга чегирма (скидка) берилди.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 26, «Шарқ зиёкори» китоб дўкони (мўлжал: Алишер Навоий номидаги театр), тел: 133-58-72, 133-35-90

### Вилоятларда:

Бухоро шаҳри, Иқбол кўчаси 11-уй, тел: 22-37-596  
 Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси (Оқ бозор биноси), тел: 226-42-93.  
 Андижон шаҳри, А.Навоий шоҳ кўчаси, 71. тел: 25-38-93.  
 Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел: 33-23-8-68.  
 Наманган шаҳри, Аҳси кўчаси, (Сардоба бозори ёнида) тел: 6-48-31.  
 Хива шаҳри, Қўриқхона «Ичан-Қалъа», тел: 5-36-52.  
 Навоий шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 14, тел: 223-01-30.  
 Қарши шаҳри, 7-микрорайон, 9-уй, тел: 227-66-44.  
 Фарғона вилояти, Бувайда тумани, Янгиқўрғон қишлоғи, Навоий кўчаси, 1, тел: 92-942.  
 Тошкент вилояти, Зангиота туманидаги «Илм шуъласи» ОАЖ бозори.





Биз билан ҳамкорлик қилишга шошилинг! Нархлар сизни қаноатлантиради!

# ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ



**профессор-ўқитувчилари ва  
талабалар жамоаси  
“Универсиада-2004” спорт  
анжумани қатнашчилари ва  
меҳмонларини самимий қутлайди!  
Халқимизнинг азалий орзуси –  
мамлакатимиз мустақиллигининг  
13 йиллик тўйи  
барчангизга муборак бўлсин!**



**Зеро, бугунги анжуман ҳам юртимиз  
истиқлолининг меваларидан биридир.  
Юртимизда оммавий спортни ривожлантириш,  
баркамол авлодни тарбиялаш мустақиллик  
мафкурасининг асосий йўналишларидан  
саналади. Уни мукаммаллаштириш йўлидаги  
саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ бугунгидек  
анжуманлар юзлаб иқтидорли ёшларни  
кашф этишига аминмиз.  
Мусобақаларда барчага омад ва  
зафарлар тилаймиз!**



Hajviya

Такси мени кўп қаватли уйлardan бирининг рўпарасига олиб келгач, ҳайдовчига юзландим.

— Илтимос, бирпас шу ерда кутиб туринг, мен ҳозир чиқаман. Кейин йўлга тушамиз! — Ҳайдовчи норози оҳангда тўнгилади:

— Балки, аввал пулини тўлаб қўясиз-сиз?..

— Нима, сиз менга ишонмаяпсизми? Қочиб кетади деб ўйлаясизми?

— Ҳеч нарса ўйлаганим йўқ. Фақат... Йўловчилар ҳар хил. Бири қочиб кетади, бири қочмайди...

— Ҳа-а, демак, барибир қочиб кетади деб ўйларкансиз-да?!. Майли, сизга шляпани қолдириб кетаман.

— Шляпангизни бошимга урамани-ми? Яхшиси, портфелингизни қолдиринг!

— Шунақами? Майли, мана, портфелимни қолдираман. Фақат... Ижозатингиз билан машина рақамингизни ёзиб олсам.

— Ие, — ҳайрон бўлди ҳайдовчи, — менга ишонмайсизми?.. Қочиб кетади деб ўйлаясизми?..

— Ҳечам-да!.. Фақат... Ҳайдовчилар ҳам турлича бўлишади. Бири шляпани яхши кўради, иккинчиси портфелини...

— Шунақами?.. Унда ёзинг!.. МТ—40—20. Ёзишдан аввал портфелингизда нима борлигини кўрсатсангиз ҳам ҳеч нарса демасдим.

— Бу нимага керак энди?  
— Кейин ортиқча гап бўлмаслиги учун.

— Марҳамат. Бу ерда қоғозлар, тоқли соқол олгич.

— Соқол олгич ишлайдими ё бузқуми?

Мана менинг паспортим, никоҳ қайд қилингани тўғрисида гувоҳнома. Лекин билиб қўйинг, сиз тартибли одам билан муомала қилаясиз. Қани, ўзингизникини беринг-чи?!

— Марҳамат, — деди ҳайдовчи ҳам, — манави ҳайдовчилик гувоҳнома!

Григорий ГОРИН

СИЗ МЕНГА ИШОНАСИСИЗМИ?

— Ҳозирча ишляпти.

— Буни қандай тушуниш керак?  
— Билиб бўладими сизларни. Ана, соқолингиз ўсган, юзингизнинг бирикки ерида хунсубзар бор экан.

— Бу билан ташқи кўринишимни эслаб қолмоқчимисиз? — хафа бўлди ҳайдовчи: — Майли, менам сизни эслаб қоламан. Бурнингиз картошкага ўхшайди, кўзларингиз юмалоқ, қулоқларингиз катта-кичик...

— Шунақами ҳали?.. — аччиғим чиқиб ўрнимдан турдим. — У ҳолда келинг, ҳаммасини ҳужжатлаштирамиз!

— Демак, яшаш жойингиздан маълумотнома йўқ.

— Йўқ.  
— Ҳа майли, бусиз ҳам топишади.

— Сизниям зарур бўлганда қақиринишади.

— Қочиб кетсангиз, 144-модда бўйича кетасиз, — дедим ҳар эҳтимолга қарши эслатиб.

— Сиз эса 147-В банд билан... Биз шу гапдан сўнг бир-биримизга еб қўйгудей қаттиқ тикилиб қолдик. — Менга қаранг, — дедим ниҳоят мен. — Уят эмасми-а?

— Ҳа, иккаламиз учун ҳам уят.  
— Менгаям!.. Мана, ҳужжатларингизни қайтариб олинг!

— Сиз ҳам.  
— Раҳмат. Энди машина рақамингизни унутайлик-а?!.

— Унутамиз.  
Шундан сўнг биз бир-биримизни мақташга ўтдик.

— Нега сиз тўғрингизда ёмон хаёлга бориб ўтирибман-а? — ҳайрон бўлиб тилга кирдим мен. — Қаранг, келишган йигитсиз, иянгизда чиройли хол бор экан.

— Сиз ҳам чиройлисиз! — деди ҳайдовчи. — Кўзларингиз катта-катта, қулоқларингиз топ-тоза, тишларингизга эҳтиёт бўлинг!

— Мен дарров қайтаман! — дедим секин эшикни очарканман.

— Марҳамат. Мен сизсиз жуда зерикаман.

Биз бир-биримизга мулоим жилмайиб қилгач, мен секин машинадан тушдим. Аммо дарвозага етгач, кўрдимки, ичкарига кириш учун берилган рухсатномам йўқ. «Вой ярамас-эй, — тишларимни гижирлатдим машина тарафдан кўз узмай, — барибир, ҳар эҳтимолга қарши рухсатномани ўзида қолдирибди-да!.. Ҳа майли, ўлиб кетсин! Менам аҳмоқмасман. Ҳар эҳтимолга қарши орқа гилдирагига игна санчиб қўйганман».

Олимжон ҲАЙИТ таржимаси.

ТЕША  
ТЕГМАГАН  
ГАПЛАР

Беш йил ишласа дарров "Олий тоифали ўқитувчи" унвони беришади. Мен бечора эллик беш йилдан буён мунтазам ичаман. Нега менга ҳеч вақо йўқ?! Ҳақиқат борми ўзи бу дунёда?... Эҳ, аттанг, аттанг, қорнимга эмас, қадримга қуяман.

(Ароқхўр муаллимнинг шикоят)

Кўкрагингни кўтариб юр. Кўрган киши "машинаси бору, оёғини ёзгани пиёда юрибди", десин.

(Устознинг шогирдига дегани)

Устоз отган тустовуқ ҳам роҳат қилиб йиқилади!  
(Лаганбардор аспирантнинг нутқидан)

Дуруст, дуруст, каллада хом хаёл бўлсам бўлгани, калла бўш турмагани маъқул...

(Устознинг шогирдига маслаҳати)

Ҳамманинг қулоғи домланинг оғзига михланди-қолди.  
(Талабанинг жўрасига мақтаниши)

Газетада таълим-тарбия ва раҳбарликка тегишли нима гап чиқса, ўқиб мазмунини менга айтасанлар!...

(Муаллимнинг талабаларга буйруғи)

Хусанбой ТОЖИМАТОВ

"ОҚКЕМА" СКАНВОРДИ

Тузувчи: Давронбек ТОЖИАЛИЕВ

Мадагаскар поймағи	Ишлаб чиқариш	Ч.Айтматов қиссаси	Бола	Тинч	Малла	Бургут			
			Шубҳа	Ҳамза тақаллуси		Юза			Волга ирмоғи
	Терминология	Шох кизи		Навоий тугилган шаҳар		Касаллик	Ер ҳайдаш		
			Овқат	Қишлоқ ҳўжалиғи механизми		Дурадгор асбоби		Аҳил	Байрам; бал
Географик минтақа	Испан футболчиси		Нота	Инсон аъзоси					
			Кислота	Футболчи - Владимир ...	Пайгамбар	Шамол	Ҳаё	Кишки транспорт	
						Тутатки	Туман (Тожикистон)	Кир	
	Аъло	Мато		Тарихий иншоот		Фидо	Бажа-риш		
				Кизлар исми					Ҳаба-шистон
	Италия	Заряд	Аристотель		Хашарот			Йирткич ҳайвон	Лекин
		Митра	Нола		"Новча" ҳайвон	Бошлиқ			
Австрия			Бағдод	Худога ялиниш		1/8	Ядро		
"Нефчи футболчиси"	Пардоз	Сурат (диний)			Тарнов	Д.Эргашев кўшиғи			
		Кўркув	Шайтон	Ҳайвон аъзоси		Мулоим	Руслар "Оскар"и		
Гипотенуза		Муслим		Африка давлати	Кимёвий модда				Узум
				Худудий бирлик					
Навоийнинг тоғаси	Ол	Асар ёзиш			Лаос пули				Хон саройи
		Қлд кўшимча			Француз адаби				
		Катод акси							

Xullas...  
ХАВФЛИ САКРАШ

Россиялик альпинист Валерий Розов Покистондаги ер сатҳидан 6 минг метр баландликда жойлашган Аман-Бракк тоғ чўққиси узра сакраб тушишга муваффақ бўлди.

«Агар беш дақиқа кечикадиган бўлсам, парашют тош деворга урилиши аниқ эди» деб ҳикоя қилади сакрашдан сўнг Валерий Розов. Бу Россия альпинистларининг забт этиши қийин бўлган чўққиларидан бири ҳисоблангани учун ҳам тарихда қоладиган бўлди. Экспедиция иштирокчиларининг таъкидлашига қараганда, асосий қийинчилик зарурий асбобанжомлар ҳамда етарли озиқ-овқатни ўзлари билан олиб кетишда кузатилди. Аиникса, 150 литр сувни салонга жойлаштиришнинг ўзи бўлмади. Агар Аман-Бракк тоғлари узра қор парчалари бўлганида эди, экспедициянинг қолаверса, Розовнинг парашютдан сакраши ҳам муваффақиятсиз тугар эди. Уни қўйинг, буни қўйинг, 6 минг метр баландликдан гарчанд парашютда бўлса ҳам сакрашга ҳар қандай альпинист ҳам журъат қилолмайди. Шу боис ҳам Валерийни омон қолгани билан табриклашмоқда.

ҚАДИМГИ ЭРМАК  
БУГУН ЭКСПОНАТ

Россия Фанлар академиясига қарашли Санкт-Петербург ҳайвонот музейига кирган кишининг ақли бир зумга шошиб қолади. Бу ерга қадимги ва ҳозирги турларнинг қотирилган ёки жонли намуналари жойлаштирилган. Қадимий шаҳар Дюрюкда олиб борилган қазиш ишлари натижасида топилган Африка мартишкаси (маймун тури)нинг бош суяги ҳам ана шу музейдан жой олди.

Дарвоқе, бу экспонат Америкада ҳам бўлиб қайтди ва экспертизадан ўтказилди. АҚШли олимлар Новгород атропофларидан топилган бу бош суягини минг йиллик тарихга эга, деб ҳисоблашмоқда. Яна шундай тахмин ҳам борки, бу маймун князлар оиласининг ажойиб эрмаги бўлган. Фалакнинг гардишини қарангки, қайсидир замонларда оқсуякларга кўнгилочар восита сифатида хизмат қилган мартишка бугун музейда қадрлангани бўлди...

ana shunaqa  
gaplar

Ma'rifat

ТАБСИС  
ЭТУВЧИЛАР:  
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиғи, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиғи, Таълим ва фан ходимлари касабаяушмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир:  
Ҳалим САИДОВ  
Тахрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БҮРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин ҚАРИМОВ (масъул котиб), Курбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Хулжар ТҮЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида № 024 рақам билан 2003 йил 17 декабрда рўйхатга олинган.  
ИНДЕКС: 149. Г-1029.  
Тиражи 20377. 1 2 3 4 5 6  
Ҳажми 4 босма табоқ.  
Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-3.  
Навбатчи муҳаррир: Шарифа МАДРАҲИМОВА.  
Навбатчи: Азиз НОРҚУЛОВ.

«Ma'rifat»-дан материалларни кўчириб босиб тахририят рухсати билан амалга оширилиши шарт. Тахририятга юборилган материаллар муаллифга қайтарилмайди.  
© белгиси остида реклама материаллари берилди.  
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.  
E-mail: marifat@ars-inform.uz  
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—133-99-15, олий таълим янгиликлари бўлими, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими — 136-55-58, хатлар, маънавий ва сиёсий ҳаёт янгиликлари бўлими — 136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, ўқувчиларни касбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, реклама ва тарғибот бўлими—136-54-69.

Баҳоси сотувда эркин нархда  
Pentium IV компьютерида  
Лилия БИНАШЕВА  
ва Малоҳат ТОШОВА  
саҳифалади.  
«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмаҳонаси.  
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй  
Босишга топшириш вақти — 21.00.  
Топширилди —